

# Юрт таракқиёти йўлида бирлашмайлик!

2020 йил  
7 ноябрь  
шанба

№ 127-128  
(4413)

# Ishonch



Кун нафаси

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея Хукуматлари қўмитасининг ўнинчи йиғилиши видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.  
\*\*\*

Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **Сардор Умрзоқов** мамлакатимиздаги Америка савдо палатаси (Am Cham) президенти **Уго Миндерхуд** билан учрашди.  
\*\*\*

Пойтахтимизда МДХга аъзо мамлакатларнинг ветеринария соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари бўйича Хукуматлараро кенгашининг видеоконференция шаклида ўтказилган 42-йиғилишида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси **Баҳром Норқобилов МДХ давлатларининг ветеринария соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Хукуматлараро кенгашига раис этиб сайланди.**  
\*\*\*

Хитой Халқ Республикаси Шанхай шаҳридаги Миллий Шангаза ва конгресс маркази (CIE)да «China International Import Expo-2020» 3-Халқаро импорт товарлари кўргазмаси доирасида видеоконференция шаклида «**Doing Business in Uzbekistan**» бизнес-форуми ўтказилди.  
\*\*\*

Ўзбекистон таълим тизимида **2021-2022 ўқув йилидан** бошлаб 1-6-синфларда табиий фанларни ўзида жамлаган табиий фанлар (SCIENCE) жорий этилади.  
\*\*\*

**Раҳимжон Бобоев** Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори этиб тайинланди.  
\*\*\*

**Алишер Норбоев** Ўзбекистон регби федерациясининг биринчи вице-президенти этиб тайинланди.  
\*\*\*

Жиззах вилоятининг Арнасой ва Шароф Рашидов туманларида **Давлат хизматлари марказининг янги бинолари** фойдаланишга топширилди.  
\*\*\*

«Ўзбекино» ва «Мир» телерадиокомпанияси томонидан «**Ҳамкорлик бўйича навбатчи**» («**Дежурный по Сотрудничеству**») **хужжатли фильми** суратга олинди.  
\*\*\*

«InnoWeek.uz-2020» Халқаро инновацион форумлар ҳафталиги доирасида «**Инновацион ғоилар етакчиси**» кўкрак нишонининг 2020 йилги **ғоиллари** тақдирланди.  
\*\*\*

ликлиника, 9 та шаҳар оилавий поликлиникаси ҳамда 16 та туман ва битта шаҳар тиббиёт бирлашмалари аҳоли саломатлиги учун фаолият юритмоқда.  
Касаба уюшмалари эса тиббиёт ходимларининг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шартини яратилиши ва имтиёзлар берилишига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.



Есимжон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 ноябрь кuni соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Йиғилиш аввалида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди. 2019 йилги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи шу бўғинда олдини олиш мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари ҳисобига тўғри келган. Онкология йўналишидаги беморларнинг ярмида касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқланмоқда. Биринчи бўғинда сифат пастлиги учун аҳоли тўғридан-тўғри марказий шифохоналарга боришга мажбур бўлмоқда.  
Чунки шароит билан талаб, иш ҳажми мутаносиб эмас. Масалан, қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори зиммасига 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилган.  
Шу боис давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта

қўриб чиқиш зарурлигини айтди. Илғор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш чоралари белгиланди. Уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилади. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида «тиббий харита»лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳоланиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобил диагностика воситалари билан таъминланади.  
5 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шахслар доимий назоратга олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади. Касалликка мойил бўлганлар индивидуал патронажга олинади.  
Бундан буён, бепул тиббий ёрдам учун йўланмани ҳамда бепул тарқатилган дориларга рецептни ҳам оилавий шифокор беради. Маҳалладаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари, касалликларнинг эрта аниқланишига қа-

раб, оилавий шифокорлар меҳнати рағбатлантирилади.  
Мутасаддиларга ушбу тизимни шаҳар ва туманларда босқичма-босқич жорий этиш, тиббиёт бригадаларини илғор тажриба асосида қўшимча ўқитиш, оилавий шифокорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.  
Йиғилишда кадрлар масаласи атрофида кўриб чиқилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 20 мингдан зиёд шифокор штати бор, лекин атиги 12 минг мутахассис ишламоқда. Чунки бугунги кунда умумий амалиёт шифокори касби олий ўқув юртлари битирувчилари учун жозибадор эмас. Ходимларни рағбатлантириш, малакаси ва лавозимини оширишга эътибор йўқ.  
Шу боис Президент шифокорларга муносиб шароитлар яратиш орқали уларни энг қуйи бўғин – қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

2 ▶

## Байраминиз қутлуғ, шифокорларим!

Юрак тоғларидан лола келтирдик,  
Жонимизга туташ тола келтирдик,  
Аввал Оллоҳ, сўнгра сизларга чопдик,  
Сизга севгимиздан жола келтирдик,  
Байрамингиз қутлуғ, шифокорларим!

Онамиз оҳ деса, бўзлаблар чопдик,  
Бола чирқираса тизлаблар чопдик,  
Аввал Оллоҳ, сўнгра сизларга чопдик,  
Байрамингиз қутлуғ, шифокорларим!

Ҳаёт учун жангда ғолиб қолганлар,  
Ҳазрати Синога толиб қолганлар,  
Отамни ўлимдан олиб қолганлар,  
Байрамингиз қутлуғ, шифокорларим!

Фаришталар давра қурганларим – СИЗ,  
Ниналар учуда юрганларим – СИЗ,  
Жон учун жонини берганларим – Сиз,  
Байрамингиз қутлуғ, шифокорларим!

Бир сўзи минг шеър-у шифо бўлгурлар,  
Фақат бахт-саодат аро бўлгурлар,  
Ҳазрати Хизрга раво бўлгурлар,  
Байрамингиз қутлуғ, шифокорларим!

Сават-сават гуллар келтирдик сизга,  
Гул ичида диллар келтирдик сизга,  
Миннатдор кўнгилар келтирдик сизга,  
Байрамингиз қутлуғ, шифокорларим!

Зулфия МҰМИНОВА,  
шоира

Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

# 12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

## Федерация Кенгаши мажлиси

### ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING VIII ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдаги Мажлиси видеоконференц-алоқа шаклида бўлиб ўтди. Унда Касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, бўлим мудирлари, тасарруфдаги ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон ва барча вилоятлар касба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари, барча тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари мутасаддилари, касба уюшма фаоллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 2020 йил 11 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган VIII Қурултойидаги «Янги Ўзбекистон» – янги касба уюшмалари: Федерациянинг 2016-2020 йиллардаги фаолияти ва миллий таракқиётнинг замонавий босқичида касба уюшмаларининг устувор вазифалари тўғрисида мавзудаги маъруза ҳамда маърузачини тасдиқлаш тўғрисидаги масала борасида сўз борди.

Маърузада асосий эътибор мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан охириги 4 йилда барча соҳаларда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиққан ҳолда касба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш йўналишидаги тизимли тадбирлар, фаолиятнинг устувор йўналишлари, хусусан, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларида меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар қўламини кенгайтириш, нодавлат секторидagi корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини касба уюшма аъзолигига жалб этиш борасидаги

кенг қамровли ишлар натижаларига қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.  
Мажлисида мамлакатимизда халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган чуқур ўйланган ижтимоий сиёсат бугун ўз ижобий самарасини бераётгани алоҳида қайд этилди. Касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган янгилашни ва такомиллаштириш жараёнлари натижасида фаолиятнинг устувор йўналишларидаги вазифаларни амалга оширишда бошланғич касба уюшмалари фаоллиги ошаётганига ҳам эътибор қаратилди.  
Шунингдек, янги ташкил этилган Маданият, спорт ва туризм касба уюшмаси Республика кенгашини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бугунги кунда қишлоқ, маданият ва спорт соҳаларида ҳам туб янгилашни ва ўзгаришлар юз бераётгани, ушбу соҳаларнинг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиёти ўсиши, халқимиз фаровонлиги ортиши ҳамда янги иш жойлари яратилишига хизмат қилиши айтиб ўтилди.  
Мажлисида муҳокама этилган ҳар иккала масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 – қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўлашингиз мумкин.  
Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.  
Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касба уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!



Қорақалпоғистон Республикаси Эъзоз

## ҚУЁШ НУРИ ЯНГИЛИГ...

Қорақалпоғистонда бир гуруҳ соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг фахрий ёрлиқлари ҳамда совғалари билан тақдирланди.  
Қорақалпоғистон касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Улуғбек Жалменов иштирокида ўтказилган тадбирда бугунги пандемия шароитида соҳа вакилларининг фаолияти ҳаётимизда қанчалик муҳим роль ўйнаётгани таъкидланди.  
– Одам дарахтнинг соясида ўтирса, кўпроқ дарахтнинг соясида ҳақида гапирди, лекин сояни пайдо қилган қуёш нури ҳақида чурқ этмайди, – деди Улуғбек Жалменов табрик сўзида донолардан иқтибос келтириб. – Мен ҳам шифокорларни, бутун соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларини қуёш нурига тенглаштиргим келади. Сизлар ҳам ҳаётимизга нур сочадиган касб эгаларисиз, афсуски, унга аксарият ҳолларда эътибор бермаймиз.  
Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда 1,9 миллион аҳолига 38 та стационар шифохона ва 146 та амбулатория-поликлиника муассасаси хизмат кўрсатиб, улардан 35 та қишлоқ врачлик пункти, 69 та қишлоқ оилавий поликлиника, 17 та кўп тармоқли марказий по-

Ishonch газетасига

# 133

Обуна бўлишни унутмадингизми? Обуна индекси:

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

«1 Бунинг учун чекка худудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун «Қишлоқ шифокори» дастури жорий қилинади. Бу дастурга мувофиқ олис худудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул маблағи берилади, улар хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Шифокорларга бўлган эҳтиёжларни маҳаллалар кесимида аниқлаб, тиббиёт олий ўқув юртурларида квотани ошириш, ипотека асосида қурилаётган уй-жойларни аввало бирламчи бўғин шифокорлари учун ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йили 100 та қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилиши белгиланди.

Сирдарё вилояти мисолида ҳар бир бўғин вазибалари аниқ белгиланган, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Буни молиялаштириш учун давлат тиббий сугуртаси механизмлари жорий этилиб, алоҳида жамғарма ташкил қилинади.

Шифокорлар иш кунининг 60 фоизини ҳисобот тўлдиришга сарфлаётгани таъкидлангани, бу жараёнларни рақамлаштириш вазибаласи қўйилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилгига кўра, даволаш инсон саломатлигини таъминлашнинг 10 фоиз омил, холос. Ирсий омиллар 15 фоиз, атроф-муҳит 20 фоиз, энг асосийси, турмуш тарзи 55 фоизни ташкил этади. Коронавирус касаллиғи ҳам нотўғри турмуш тарзи оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатди.

– Тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик орқали қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини барча тушуниши керак, – деди Президент.

Бирламчи бўғин ходимлари аҳолини тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбияга ўргатиши муҳимлиги таъкидланди.

Аниқланишича, 40 фоиз аёлларда фолий кислотаси ва темир моддаси етишмаслиги кузатилмоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизига темир моддаси етишмаслиги сабабли камқонлик келиб чиқяпти. Боғча ва мактаб ёшидаги 70 фоиз болаларда ичак паразитар касалликлар мавжуд.

Шу боис келгуси йил 1 июндан бошлаб, 5 ёшгача бўлган болаларни витаминлар ва микронутриентлар билан, 10 ёшгача ўғил-қизларни паразитларга қарши дорилар билан, ҳомиладор, эмизикли аёллар ва 15 ёшгача бўлган болаларни йод препаратлари билан, 35 ёшгача аёлларни фолий кислотаси ва феррум билан бепул таъминлаш чоралари белгиланди. Ушбу дори воситалари ва витаминлар оилавий шифокорлар томонидан тарқатилади.

Йиғилишда ҳар бир худуддаги касалликлар таркибига қараб, ихтисослашган даволаш муассасалари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, Фарғона ва Сирдарёда нафас йўллари, Қашқадарёда эндокринологик, Тошкент шаҳрида андозон-ичак, Андижонда юрак қон-томир, Қорақалпоғистон ва Хоразмда буйрак касалликларини энг кўп кайд этилган.

Шу каби долзарб йўналишлар бўйича худудларда илғор хорижий клиникалар филиалларини ташкил этиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

17 та ихтисослашган тиббиёт марказини худудий шифохоналар билан боғлаш, телемедицина орқали тажрибали алмашинувни ривожлантириш, касалликлар тури ва динамикасидан келиб чиқиб, жойларда ихтисослашган марказнинг минтақавий филиалларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йиғилиш тиббиёт ходимлари кунини арафасида ўтказилаётганига урғу бериб, барча шифокорларни байрам билан табриклади.

– Бугунги давр талаби шундайки, байрам кунлари, тантанали ай-

ёмларда ҳам, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган турли муаммолар ҳақида ўйлашимиз, уларнинг самарали ечимларини топишимиз зарур. Барча соҳалар қатори тиббиёт тизими олдида ҳам ғоят мураккаб вазифалар юзага келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усуллари учун ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўтқир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда. Аминманки, Абу Али ибн Синодек буюк аждоқларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби анъаналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар, ўз фаолиятингизни ана шундай юксак мезонлар асосида ташкил этиб, олижаноб бурчингизни бундан буюк ҳам шараф билан адо этасизлар, – деди Президент.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, маънавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиббиёт марказлари ва олийгоҳлари билан илмий-амалий ҳамкорликни кучайтириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиши таъкидланди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бу курашга 100 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари сафарбар этилган, улар ўзларини аямасдан, жонларини гаровга қўйиб, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатаётгани эътироф этилди.

– Ишонаман, жонкуяр шифокорларимиз бугунги белгиланган вазифаларни ҳам фидойилик ва матонат билан, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, албатта уддалайдилар. Энг катта бойлик бўлган халқимиз саломатлигини сақлашда ҳақиқатда жонбозлик кўрсатадилар, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддилари, вилоят ҳокимлари, тиббий марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

УЗА

## Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ўзбекистон Республикаси раислигидаги навбатдаги йиғилиши 6 ноябрь кунини видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.

### МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов олиб борди.

Тадбирда, шунингдек, Беларус, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қирғиз Республикаси Президенти вазибаласи бажарувчи ва Бош вазири, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборни МДҲ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларига, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши самарали курашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга қаратдилар. Бунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги эркин савдо зонасининг тўлиқ ишлаши муҳимлиги таъкидланди.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқларининг фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш учун яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини юзасидан фикр алмашдилар. 2030 йилгача бўлган даврда МДҲ иқтисодий ривожланиш стратегиясининг биринчи босқичи (2021-2025 йиллар)ни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини муҳокама қилди.

МДҲ мамлакатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг базавий тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилаб берадиган ушбу ҳужжат Ҳамдўстликка аъзо давлатлар иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, юқори технологияли транспорт тизимларини яратиш, агросаноат мажмуасини мустаҳкамлаш, иқтисодийни

рақамлаштиришни жадаллаштириш, илмий-техникавий ва фан-таълим салоҳиятини юксалтириш ҳамда молиявий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган.

Йиғилиш иштирокчилари ўз маърузаларида коронавирус пандемияси билан боғлиқ аҳолига алоҳида тўхталиб ўтишди. Хусусан, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, жумладан, ушбу касаллик оқиба-тида берилган қурбонлар миқдори ва нисбати бўйича нафақат МДҲда, балки дунёда ҳам энг илҳомий кўрсаткичлардан бирини қайд этган Ўзбекистон эпидемияга қарши самарали курашиш, пандемиянинг мамлакат иқтисодий таъсирини юмшатиш борасида намуна бўлганини алоҳида таъкидлади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида илк бор қатнашаётган Қирғиз Республикаси Президенти вазибаласи бажарувчи, мамлакат Бош вазири Садир Жапаров Россия, Қозоғистон, Озарбайжон қатори Ўзбекистон Президенти ва Ҳукумати ҳам пандемия даврида қардош қирғиз халқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир неча бор инсонпарварлик ёрдами кўрсатганини эътироф этди ва самимий миннатдорлик билдирди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин эса МДҲ худудида иқтисодий ривожланишни таъминлаш, мамлакатларимиз иқтисодий таъминининг салбий таъсирини имкон даражасида камайитириш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тиклаш масалаларига тўхталаркан, бу борада бир неча аниқ тақлифлар билдирди. Шу билан бирга, айни йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг юқори самарадорлигини қайд этди. Ўзбекистон раислигида Кенгаш доирасида аввалги йиғилишларда қабул қилин-

ган қарорлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этди.

Қозоғистон ҳукумати раҳбари ҳамкасблари диққатини озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳамда туризм, транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга жалб этаркан, жумладан, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг «Буюк йпак йўли» трансчегаравий сайёҳлик маҳсулотини яратиш бўйича ҳамкорлигини мисол қилиб келтирди. Бу жараёнда Туркистон – Чимкент – Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива тезорат темир йўл тармоғини ишга тушириш бўйича лойиҳа амалга оширилишини маълум қилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича транспорт, энергетика, қурилиш, таълим, маданият, туризм, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини, шунингдек, ёшлар сиёсатини ривожлантиришга оид жами 23 ҳужжат имзоланди.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, инновациялар, маҳаллий можаролар иштирокчилари ва уларнинг оилалари ҳаётини яхшилашга оид дастурлар, минтақалараро ва трансчегаравий ҳамда қишлоқ хўжалиги муҳандислиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш концепциялари, транспорт хавфсизлиги ва МДҲга аъзо давлатларнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ҳаракатлар режалари, жамиятнинг рақамли ривожланиши ва радиоактив материалларнинг трансчегаравий ташиш соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи шартномалар шулар жумласидан.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2021 йил 28 майда Беларус Республикаси раислигида Минск шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,  
УЗА мухбири

### Бухоро вилояти

## Қоракўлдан таралган зиё

Шўро тузуми «кома»га тушган кезлар... Иқтисодий инқирозга учраган, бир ойлик маошга аранг бир халта ун берарди. Аммо Тўхтамурод аканинг хаёлини иқтидорли болалар учун мактаб-интернат очди фикри тарқатмасди. Ахир рафиқасига маслаҳат солди. Улар ўзаро тенгдош, мактабдош, ҳамфикр. Биргаликда икки ўғил, уч қизни тарбия қилишган.

Зумрад опа турмуш ўртоғининг фикрини қўллаб-қувватлади. Арзон-гаровга сотиб юборилган эски «Жигули»нинг пули ҳаш-паш дегунча сойга тушган тошдай сарф бўлди. Ахир ўша пайтларда рухсатнома учун неча марта Тошкентга қатнаш, ҳужжатларни тайёрлаш ўз-ўзидан бўлмас, сансалорлик, буйруқбозлик, қоғозбозлик авжига чиққан эди. Ҳатто соғин сигирини сотишга ҳам тўғри келди. Начора...

Улар ихтиёрига Қоракўл туманидаги 8-мактабга ёндош эски бинони беришди. Борига барака, дея шу бинони таъмирлаб, 1990-1991 ўқув йилига шай қилишди. Илк шогирдлари Темир Рўзиев, Исмат Шукуров, Ҳазрат Раҳимов, Ғолиб Жумақуловлар қанотида киришди. Энди болаларни жалб қилиш болаганди. Буни қарангки, «мактаб-интернатда етим болалар ўқирмиш» деган гап тарқалди. Шунда уйма-уй юриб, отаналарга тушунтириш бериш, болалар билан суҳбатлашга тўғри келди. Бир амаллаб илк қалдирғочларни тўплашга эришилди.

Бу орада диёримиз истиклолга эришиб, ишлар анча жонланди. Дастлабки битирувчиларнинг аксари қийналмадан, юқори балли билан давлат гранти асосида талаба бўлишгач, интернатга кириш

олий ўқув юртига киришдан ҳам қийин бўлиб қолди. Хо-зир ўша илк ўқувчиларнинг кўпчилиги – юқори мартабали давлат ва жамоат арбоблари, олим, шифокор ва муаллимлар. Утган вақт ичиде нақ етмиш нафар ўқувчи дунё фан олимпиадаларига шода-шода медалларни қўлга киритди.

Яқинда Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Тўхтамурод муаллимнинг фаолиятига юқори баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидладилар:

«Биласизлар, Қоракўл туманида ҳаммамизга маълум бир мактаб бор. Бу мактабни машҳур қилган фидойий муаллим Тўхтамурод Жумаев номини ҳам барчамиз яхши билемиз. Бу ажойиб педагог ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабини республика даражасидаги машҳур таълим даргоҳига айлантирди. Ҳолбуки, ушбу мактаб Бухоронинг олис чўл туманида жойлашган бўлиб, замонавий шароитга, қулай имкониятларга ҳам эга эмас эди... Тўхтамурод домла ҳам жадид боболаримиз каби тинимсиз ва фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирги даврнинг янги усул мактабини яратишга эришди. Мана, бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифат-



парвари, давримизнинг Авлодийси, Беҳбудий домласи, Мунавварқориси!»

Президентимизнинг бу сўзларини жон қулоғим билан тинглар эканман, буюк маърифатпарварларимиз номлари тилга олинганда сергак тортидим. Улар орадан салкам бир аср ўтиб, «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганлари боис кўзимга сезинч ёшлар келди. Хайрли ишининг кечи бўлмас экан, дея ўйлаб турганимда дўстим Тўхтамурод Жумаев номи йўқланди ва у ҳам айни шу орденга муносиб топилгани эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг рағбати билан Ўзбекистонда илк бор Халқаро математика мактаби очилди. Унга Тўхтамурод аканинг шогирдларидан бири Темир Рўзиев бош-қош бўлмоқда. Таъсис йиғилишида қаҳрамонимиз ушбу билим масканига фахрий директор этиб сайланди. Ҳатто илм-фаннинг чет элик даргаларини бе-ерга жалб қилишга имкон берилди. Бунинг самараси ўларок, 2019-2020 ўқув йилида битирган 48 нафар ўқувчининг барчаси юқори баллар билан олий таълим даргоҳларига қабул қилинмишди.

Тўхтамурод Жумаев 1991 йилда «Халқ маорифи аъло-чиси» кўкрак нишони, 1995 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвои, 2005 йилда «Эл-юрт хурмати» ордени, ниҳоят, 2020 йилда «Буюк хизматлари учун» ор-

дени соҳиб бўлди.

У 1999 йилдан Ўзбекистон математиклар жамияти аъзоси. Юздан ортиқ илмий мақола-лар, ўнлаб услубий қўллан-малар муаллифи. Ҳозиргача у киши раҳбарлик қилган академик лицей ва Халқаро математика мактаби ўқувчиларидан бир ярим мингга яқини олий ўқув юртурларига қабул қилинган. Уларнинг аксарияти етук мутахассис сифатида фан, маданият, халқ хўжалиги соҳаларида ўз раҳбарлик, илмий ва маънавий қобилиятларини кўрсатишмоқда. Таъбир жоиз бўлса, Учинчи Ренессанснинг тамал тошини қўйишмоқда.

Мухаммад ПИРРИЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси

### Тажриба

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда «Рақамли иқтисодиёт ривожига почта соҳасининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

### ПОЧТА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛАДИ

Жорий йилнинг 5 октябрь кунини мамлакатимиз Президенти томонидан миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда давлатимиз раҳбари мазкур йўналишни ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш юзасидан соҳа мутахассисларига муҳим вазифа ва топшириқлар белгилаб берган эди. Қолаверса, почта соҳасидаги қонун ҳужжатларини таҳминлаштириш масалалари ҳам тадбир кун тартибидан ўрин олган эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири – бу соҳаларни рақамлаштириш ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, почта соҳасига ҳам замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этишни тақозо этади.

Давра суҳбатида почта алоқаси соҳасида тизимли ислохотларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Умуумжаҳон почта иттифоқи далолатномаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда почта алоқаси бозорига кучли рақобатли муҳит вужудга келган. Почта ва курьерлик хизматлари 575 та маҳаллий хусусий компания ва халқаро даражадаги

йирик компаниялар томонидан кўрсатиб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, мазкур корхоналар томонидан 2019 йилда 260 миллиард сўмлик почта ва курьерлик хизматлари тақдим этилган. Тадбир давомида тизимдаги камчиликлари ҳамда муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча худудини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма бўлиб, уларда 7 минг нафар ходим фаолият юритиши, лекин йиллар давомида соҳага эътибор берилмагани сабабли почта хизматининг ўрни пасайиб кетгани айтиб ўтилди. Жумладан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300 та почта бўлинмаси ёпилган. Утган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, курьерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган, холос.

Почта соҳаси истиқболига хизмат қиладиган миллий ҳамда халқаро қонунчилигини таъминлаштириш масалалари ҳам иштирокчилар эътиборида бўлди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг тадбир иштирокчилари почта соҳасига инновацион технологияларни кенг жорий этиш, модернизация қилиш бўйича энг муҳим йўналишларни амалга ошириш, соҳани ривожлантиришда тўсқинлик қилмаётган мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳукуқий ечимларни ишлаб чиқиш, бунда депутатлик корпуси билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

УЗА



Фаргона вилояти

# «Хушфеъл шифокорнинг беморлари тезроқ тузалади»

*Халқимиз бекорга бу касб эгаларига ўзгача ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмайди. Чунки улар энг бебаҳо бойлик – саломатлик учун масъул.*

27 йиллик малакали шифокор, ўз ишининг ҳақиқий устаси, Республика ихтисослашган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази фтизиохирурги, тиббиёт фанлари номзоди Ақром Эргашев ота-боболаримизнинг «Ширинсуъ табиб энг кучли дори-дармонлардан ҳам муҳим» деган иборасини юрагига жо қилиш билан бирга, унга сўзсиз амал қилиб келаётган тиббиётчилардан. Унинг чехрасидан самимий табассум аримайди.

– Мен аввало беморга касаллик ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламан, – дейди Ақром Эргашев биз билан суҳбатда. – Биласизми, бемор ўзида кечаётган жараёнларни яхши тушунса, аввало ҳар бир хатти-ҳаракати, дориларни вақтида ичиш, айрим кўрсатмаларга риоя қилиш аҳамиятини ҳам англаб етади. Ўзини кузатади, танасида кечаётган ўзгаришларни илғай олади. Қолаверса, беморларимга яқин инсонлардек муомалада бўламан. Чунки хушфеъл шифокорнинг беморлари тезроқ тузалади. Бу тиббиётда ўз исботини топган. Шифокор кайфияти ва муомаласи беморга кўчади. Яхши кайфиятдаги инсоннинг касаллик билан курашувчанлиги ва иммунитетига эса умидсиз ҳафта тушкун одамникидан фарқ қилади.

Қаҳрамонимизнинг айтишича, мамлакатимизда сил касаллиги билан даволаниш кўрсаткичи яхши томонга ўзгарган. 2000 йилларда ушбу касалликка чалинган беморлар сони 100 минг аҳолига нисбатан олганда тахминан 70 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам икки баробарга қисқарди. Аввало, бунга ҳукумат томонидан эътибор қаратилиб, соҳага янги технологиялар олиб килинган ва шифокорлар малакасини ошириш, янги тажрибаларни ўзлаштиришга эътибор қаратилгани тўғрисида эришилди. Масалан, силга чалинган беморни аниқлаш учун илгари 3-4 ойлаб вақт кетган бўлса, ҳозирда беморнинг балғами махсус лаборатория асбоблари ёрдамида текширилиб, 2 соат ичида, узоғи билан бир кун мобойнида жавоб олиш мумкин. Иккинчидан, касаллиқни келтириб чиқарувчи микроорганизмларни дори-дармон билан аниқловчи таҳлиллар ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Силнинг дунёда ва мамлакатимизда ҳам жуда кўплат турлари мавжуд бўлиб, олдинлари фтизиатр, пуль-

монологлар бир турдаги дориларни қўлар, маълум муддат ўтгач, у ҳам фойда бермас, бошқа турдаги дориларни қўлашга ўтарди. Эндиликда бактерияларнинг эзма таҳлил усуллари орқали дориларга таъсирчанлиги ўрганилади ва уларни нобуд қилган дори тури қўлланилиши тўғрисида беморлар тезроқ соғая бошлайди.

Бундан ташқари, жарроҳлик усулида даволаш йўналишида ҳам ўзига яраша такомиллашув бор. Масалан, илгари даволаш йўли билан тузалмаган беморларнинг ўпкасидаги яллиғланиш ўчоқлари операция йўли билан кесиб олинган, бунда ўпка қисми 15-20 см узунликда кесиларди. Натижада ўпканинг ички қисми дардан фориг бўлса-да, баъзида унинг ташқарисидаги катта кесилган жойда яллиғланиш пайдо бўлиб, тери битиши секин кечаётган беморларнинг жароҳатига микроб тушиб қолар, айниқса, ёши катта беморлар бундай жараёнда қийналиб қолишарди. Ҳозирда эса торокоскопия, видеотороскопия каби махсус усуллар ёрдамида яра айнан ўпканинг қайси қисмида, қандай ўлчамда эканлиги юқори аниқликда кўринади ва катта кесмага ҳожат қолмайди. Энг узоғи билан 5, аксарият ҳолларда 2.5-3см кесилади.

– Аммо бу кўрсаткичлар бизни қониқтирмайди, – дейди Ақром Эргашев. – Дунё мамлакатларида кўрсаткичлар биздагидан яхшироқ. Масалан, Германияда силни даволаш бўйича жуда яхши тажриба тўпланган ва кўрсаткичлар ҳам ҳавас қилгулик. Аҳолининг силга чалиниш статистикаси соғлом аҳолига нисбатан атиги 5-6 фоиз. Бундан ташқари, сўнгги йилларда бутун дунёда сил микроорганизми ҳам антибиотикларга чидамли турлари пайдо бўлмоқда ва уларнинг учраши ҳам тезлашмоқда. Бу эса олимпаримизни ва бизни мунтазам ўз усти-устига ишлаганга, ўрганишга чорлайди.

– Дори-дармонга чидамли турнинг келиб чиқиши боиси нимада? – деб сўраймиз Ақром Эргашевдан.

– Бунинг боиси, касалликка чалинган беморларнинг ихтисослашган диспансерларга бормасдан, гап-сўз бўлишдан уялиб, одамлар эшитмасин деб, уйда пала-партиш дори-дармон ичиши, ўзбилармонлик қилиб, назоратсиз даволаниши дейишимиз мумкин. Силнинг ушбу яширин даврида эса мунтазам дори-дармон ичилмагани оқибатида бактерияларнинг антибио-

тикларга чидамлилиги ошиб кетади ва бундай беморларнинг тузалиши қийинроқ кечади.

Суҳбатимиз шу асно қизиди. Қаҳрамонимиз ўз иши ҳақида завқ билан гапирарди. Орада шифокорни йўқлаб беморлардан бири келди. Мен фурсатдан фойдаланиб, унинг фикрлари билан қизиқдим.

– Ўзим ҳам кўп йиллик шифокорман, – дейди Тошкент вилоятидан келиб даволанаётган Абдунезимат Эгамбердиев. – Шундан биламанки, тиббиёт соҳаси шифокордан нафақат билим ва тажрибани, балки ички сезиларнинг кучли бўлишини ҳам талаб этади. Малакали мутахассис Ақром Ақбаровичда эса айнан мана шу фазилатларни кўрдим. 9-октябрдан буён шу ерда даволанаётган бўлсам, бу инсоннинг ўз касбига садоқат ва масъулият билан ёндашишини, юксак профессионализимини алоҳида эътироф этган бўлардим. У кишининг нафақат ишга бўлган муносабати, балки инсоний жиҳатлари, ҳар бир беморга қилаётган ширин муомаласи ва гигиеник маданияти ҳам ибрат бўларли даражада эканига гувоҳ бўлдим. Келганимда ахволим ўнчалик яхши эмасди, шифокорнинг мотивацияси ва соғайишига бўлган кучли ишонч уйғота олганлиги сабаб ҳозирда ўзимни анча яхши ҳис қилаяпман. Ақром Ақбаровичга узоқ йиллар шу соҳада соғ-саломат фаолият юритиб, тиббиётимизнинг янада равнақ топишига муносиб ҳисса қўшиб юришини истайман.

Албатта, ҳар қандай касб эгаси ҳам бундай эътирофларни эшитмастми? Унинг замирида узоқ йиллик ҳалол меҳнат, доим ўзини билимга ошно тутиб, малакасини ошириш ва касбининг моҳир устаси бўлиш истаги ётади. Юзлаб, минглаб беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган, оилада эса рафиқаси билан икки ўғил, бир қизни олий маълумотли, жамиятга муносиб инсонлар қилиб тарбиялаган Ақром Эргашевга бу борада ҳар қандай инсоннинг ҳаваси келса арзийди. Улардек очик юзли ва моҳир тиббиёт ходимлари бор экан, юртдошларимиз албатта дардларига даво топиб, узоқ йиллар давомида ҳаёт суруридан баҳра олишади.



Зебо НАМЗООВА,  
«ISHONCH»

## САЛОМАТЛИГИНИГ ИЗ ЯХШИМИ?

### Ишчи гуруҳ фаолияти

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи томонидан Риштон туманининг чекка ҳудудида жойлашган «Жалаер» ва «Сўхобод» маҳаллаларида хонадонма-хонадон юриш орқали аҳолининг турмуш шароитлари ўрганилди. Аниқланган муаммолар бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак кўрсатилди.**

Ўрганишлар давомида соғлиғидан шикоят қилган, дори-дармон олишга қийналаётган 50 нафар фуқарога «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан бепул дори-дармонлар берилди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор оилаларга вилоят касаба уюшмалари ва Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси томонидан озик-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар тарқатилди.

Бундай саховатдан «Сўхобод» МФЙ да яшовчи Умиджон Валиевнинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилди. Унга ногиронлик аравачаси берилди.

– Аравачам эскириб қолганидан ҳаракат қилишга жуда қийналар эдим, – дейди Умиджон. – Яхшиларнинг кўмаги билан янги аравачалик бўлдим. Яна менга дори-дармон, озик-овқат маҳсулотларини ҳам тортиқ қилишди. Бунинг учун саховатпеша инсонларга катта раҳмат.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари Давронбек Жамоловнинг ҳам жонига ора кирди. Суҳбат чоғида Давронбек шу пайтгача қўшнисининг ногиронлик аравачасидан фойдаланиб келаётганини айтди. Унга ҳам янги ногиронлик аравачаси тақдим этилди. Саломатлигини тиклаб, соғайиб кетиши учун касаба уюшмалари томонидан зарур дори-дармонлар ва озик-овқат маҳсулотлари топширилди.

1-гуруҳ ногирони Азиз Мусаева эса саломатлигини тиклаш учун республика ҳаракат таянч аъзолари бузилган ногиронларни реабилитация қилиш Миллий маркази вертебрология бўлимида даволаниши учун ордер берилганидан бўлди.

Шунингдек, «Жалаер» ва «Сўхобод» МФЙ ҳудудида малакали тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 148 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди.

**Шоҳида КАРИМОВА,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгашининг Фаргона вилояти  
бўйича масъул ташкилотчиси

**Далил**  
Ўзбекистонда ўртача умр давомийлиги **73,8 ёшни**; эркаклар учун – **71,4 ёш**, аёллар учун эса – **76,2 ёшни** ташкил этмокда.  
Бутун дунёда эса умр давомийлигининг ўртача кўрсаткичи аёлларда **74 ёшни**, эркакларда эса **69 ёшни** ташкил қилади.



Мусобақа

**Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан эркаклар ўртасида мини футбол, аёллар ўртасида волейбол мусобақалари ташкил этилди.**

### Қизгин беллашувлар

*Тиббиёт ходимлари касб байрами арафасида тизимда ишловчилар ўртасида спорт тадбирлари бўлиб ўтмоқда.*

Футбол баҳсларида туман «тез тиббий ёрдам» маркази шифокорлари мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Жамшид Маматов, Бекзод Қурбанов, Охунжон Арабов ва бошқа бир қатор шифо-

корлар мусобақанинг энг фаол уйинчилари деб топилди.

Волейбол бўйича аёллар ўртасидаги баҳсда куллар тенг келди. Дилором Нурмуродова, Ҳурият Ашурова, Гулфира Нарзикулова,

Гулмира Бойқобиловалар моҳир спортчи номинацияси ғолиб бўдилар.

Мусобақада ғолиб жамоларга касаба уюшмалари совринлари топширилди.

Ўз муҳбиримиз

Самарқанд вилояти

## Ўрганиш натижалари қоғозда қолмайди

**Қарийб ўн беш кундирки, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилев раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Иштихон туманидаги оилалар шароитини ўрганмоқда.**

– Президентимиз ташаббуси ижросига киришган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Ёшлар агентлиги вакиллари билан иборат гуруҳимиз тумандаги 42 минг 882 та хонадонда бўлиб, одамлар билан суҳбатлар ўтказаяпти, – дейди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилев. – Мулоқот чоғида Иштихонда истиқомат қилаётган ҳар бир ёш ва аёл муаммоси қайд этилиб, фикри сўралмоқда. Оرزў-умидлар рўйига давлат даражасидаги бу қи-қиқиш ҳар бир кишини мамнун қи-

лаётганига гувоҳ бўлаяпмиз.

Туман ҳокимлигида ташкил этилган штабда ишчи гуруҳи томонидан тўлдирилган сўровномалар умумлаштирилмоқда. Ёшлар билдирган истаклар «Ёшлар дафтари»да, аёллар муаммолари эса «Аёллар дафтари»да қайд этиб борилмоқда. Муаммолар ечимига қараб табақалаштирилмоқда. Туман ҳокимлиги ва мутасаддилар ишчи гуруҳ томонидан қайд этилган кундалик жузъий масалаларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

– Ишчи гуруҳи билан маҳалла-мизда истиқомат қилаётган хонадонларга бирма-бир кириб чиқ-

дик, – дейди «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбўта Ражабов. – Халқимиз ўта камтар ва камсуқум. Муаммосини айтишга ҳам истихоло қилади.

Ботот маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Кавсар қишлоғида истиқомат қилаётган Гулистон Элмуродова ҳам ишчи гуруҳи аъзоларини ийманиб кутиб олди. Ёши эллиқдан ошса-да, томорқада ғайрат билан ишлаётган аёл саранжом-сарриштагина бека экан.

– Уйда тўрт-бешта товуқ, хўроз бор, – дейди Гулистон Элмуродова. –Паррандачиликка ҳавасим бор. Озгина қўл калталиқ қилиб турибди. Агар кредит олишга кўмаклашилса, «етти хазинанинг бири» бўлган бу соҳада ўзимни синаб кўраддим.

Мақтабни етти йил илгари таъмомлаган Ирода Худойбердиева ҳам ишга муҳтожлардан бири экан.



– Тикиш-бичиш қўлимдан келади, – дейди у. – Шу йўналишда тақлиф олсам, жон деб ишлардим.

Мулоқотлар шунчаки «хў-жақўрсин» учун уюштирилмапти. Иштихонликларни қийнаб келаётган муаммолар «дафтар»лардан ўрин олиб, уларни ҳал этиш чоралари изланмоқда. Мухта-

сар айтганда, Иштихон туманида яшовчи 35 мингдан зиёд ёшлар, 34 ярим минг аёлларнинг фикру-уйи «Ёшлар ва Аёллар дафтари» битилмоқда.



Нурилла ШАМСИЕВА,  
«ISHONCH»

Навоий вилояти

## Барчаси бадастирми?

**Навоий вилоятидаги бир қатор тармоқ ташкилотларида жамоа шартномалари бажарилиши атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.**

Ўрганишлар натижасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Навоий электромеханика» корхонасида меҳнатқашларнинг берилмади қолган ойлик иш ҳақи юзасидан вилоят ва шаҳар ҳокимлирига, вилоят прокуратурасига талабнома киритди. Натижада, меҳнатқашларга ўтган йил ҳисобидан берилмади қолган 1119,5 миллион сўм миқдоридаги қарз жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, 170,8 миллион сўмга камайtirилди.

Вилоят миқёсида бевосита касаба уюшма ташкилотлари вакиллари билан аралашуви билан жорий йил 20 октябрга қадар Давлат дастури асосида уй-жой қуриш ва уй-рўзғор жиҳозларини харид қилиш учун 31 та ёш оилага фойсиз ссуда ажратилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 269 нафар онага, кам таъминланган оилалар вакиллари билан 1804 нафарга моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 30 нафар талабанинг 136,1 миллион сўмлик шартнома маблағлари тўлаб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, фуқароларнинг меҳнат шароити, уларга иш ҳақларининг тўланиши, касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилинган, меҳнат шартномаларининг тузилгани, иш ҳақининг ўз вақтида берилмаётганини ҳам касаба уюшмалари бирлашмаси, унинг қўйи тизимлари мониторинг қилиб бормоқда.

Мажбурий меҳнатдан фойдаланишининг олдини олиш борасида корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг масъулияти кучайтирилди. Жойларда мажбурий меҳнат аломатлари аниқланганда, тезкор хабар бериш учун вилоят бирлашмасида 79-226-02-65 рақамли «Ишонч телефони» доимий фаолият кўрсатмоқда.

Яқунланган пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Тушунтириш-тарғибот ишлари жараёнда халқимиз ўз ҳақ-жузғини яхши англаётгани, бу борада амалга оширилаётган ишлардан мамнун эканини таъкидлашди.

**Олимжон БОБОМУРДОВ,**  
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудбири

Шахсий фикр

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда энг кўп таҳлил қилинаётган, баҳс-мунозара юритилаётган соҳа, шубҳасиз, таълимдир. Зеро, келажагига бефарқ бўлмаган миллат ҳар қандай шароитда таълимни ривожлантириши бош вазифа сифатида билади, давлат сиёсати даражасига кўтаради. Умумхалқ муҳомасига қўйилган «Мамлакатимиз таълим-тарбия тизimini янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони лойиҳаси ҳам айни шу мақсадда ишлаб чиқилган.



# МУАММОГА ЯНГИЧА ЕЧИМ БОРМИ?

## ёхуд фармон лойиҳаси ҳақида мулоҳазалар

Мазкур фармон лойиҳасини тайёрлашга жуда катта меҳнат ва куч сарфлангани аниқ. Жумладан, педагог ходимларга малака тоифаларини бериш ва аттестациядан ўтказиш тизimini содаллаштириш, синф (гурух) раҳбарлиги учун тўловларни 1,5 бараварга ошириш, педагог ходимлар ойлик маошини меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 15 бараварига босқичма-босқич ошириб бориш, узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларни такомиллаштириш сингари бандлар тизими ривожига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Лекин ҳужжат лойиҳаси бўйича айрим мулоҳазалар ҳам борки, улар таълим тизимидаги муаммолар ва қонунчиликка тааллуқли. Бундан қўзланган мудоаа эса соҳа ривожига ҳисса қўшиш ҳамда ўта муҳим ҳужжатларни мукамал кўриш истагидир. Фармон лойиҳаси сўнги йилларда қонунчилик тилига хос бўлган «сўз ўйинлари» билан бошланган. Аввал таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар, сўнгра соҳага оид асосий йўналишлар бирма-бир санаб чиқилган. Интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, янги авлод ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, дастурлар яратиш, таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш, таълим ташкилотларини нуфузли халқаро рейтингларга киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда асосий йўналишлар сифатида ўз аксини топган.

Гарчи фармон лойиҳаси узлуксиз таълим тизimini такомиллаштиришга бағишланган бўлса-да, матнда мактабга таълим бўғинига ҳеч қандай вазифалар белгиланмагани ҳолда бир йўла умумий ўрта таълим тизимига ўтилган

(иловада мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини оширишга оид вазифаларда эса умумийлик ва кўп бор таъкидланганидек, аввалги ҳужжатларни такрорлаш ҳолатлари мавжуд). Лойиҳанинг 3-бандида 2021 йил 1 мартга қадар малакали педагог, илмий ходимлар, психолог ва хоржий экспертларни жалб қилган ҳолда Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнига босқичма-босқич татбиқ этиш вазифаси белгиланган.

Билишимизча, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказида ишчи гуруҳ тузилиди, барча умумтаълим фанлари йўналишида Миллий дастур ишлаб чиқилиб, тақдимотлар ҳам ўтказилди. «Она тили» фандан тuzилган миллий дастур билан танишиш асносида соҳа мутахассиси сифатида фикр билдиришни ўринли деб биламиз. Дастур тил ўқитишининг жаҳонда кенг қўлланаётган методикалари асосида тuzилган бўлиб, ўқувчиларнинг нутқий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган. Сўнги пайтларда Халқ таълими вазирлиги ва вазирлик томонидан жалб этилган мутахассислар грамматиканинг ашаддий душмани сифатида майдонга чиқишди. Тўғри, сўнги йилларда она тили дарсликлари ўта илмийлашиб, керакли ва кераксиз қондалар билан тўлиб-тошган эди. Лекин грамматикадан қочиш она тилининг изчил курсидан ҳам воз кечиш ёки фан сифатидаги мазмунини йўққа чиқариш, дегани эмас.

Маулифлар тинимсиз эътироф этаётганидек, ҳаётдаги турли вазиятлар йиғиндисига айланиб, фан сифатидаги макомини, изчиллигини йўқотгандек таассурот қолдиради. Чунки ўқувчи дастурда қайд этилган худди шу мавзуларни бошқа фанларда ҳам ўқийди, ўзлаштиради. Она тили фани ўқувчини нафақат ҳаётий вазият-

ларга тайёрлайди, балки она тилининг гўзаллиги, асосий қонуниятлари ва луғат бойлиги ҳақида дастлабки илмий тушунча ва тасавурларини ҳам шакллантиради. Қолаверса, миллий фан дастуридаги бўлим номлари ҳам «Соғ танда – соғлом ақл», «Ёш иқтисодчи», «Фан ва технологиялар» сингари номланиши ҳам фан мантиғига мос эмас.

Масалан, 8-синф «Она тили» фани дастурининг «Санъат ва маданият» деб номланган 9-бўлимида «G'arbnig uy'g'onishi» деб ном олган мавзу бор. «Men uchun qadriyat nima?» mavzusida matn yaratish va shu mavzuda og'zaki fikr bildirish.

Bugungi dunyoning umumiy qiyofasi to'g'risida yozma va og'zaki tarzda fikr bildirish. Bugungi dunyo bilan hamnafas bo'lish qaysi qadriyatlardan voz kechishni talab qilishi to'g'risida guruh bo'lib bahsga kirishish. «Dang'illama to'yga emas, kelajakka pul tikaman» mavzusida matn yaratish. Matn va lug'atlar ustida ishlash: «Kiyinish odobiga rioya qilamanmi?», «Murojaatni bildiruvchi so'zlar, o'zbekona murojaat usullari», «Rahmat, bor bo'ling!» kabi matnlar ustida ishlash. Ushbu vazifalar ўқувчини фикрлашга ва фикрларини баён этишга ундаши мумкиндир, лекин қадриятлар ва кийинши одоб билан боғлиқ мавзулар «Тарбия» дарсида айни шу тарзда муҳокама қилиниши назарда тутилса, савдоҳонликнинг она тили фанига хос қайси элементлари шакллантириши мавҳумлигича қолган. Миллий ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш учун белгиланган икки ойлик муддат ҳам таълим экспериментлари учун жуда қисқа бўлиб, аниқ илмий ва якуний ҳулоса чиқариш имконини бермайди.

Фармон лойиҳасининг 4-бандида эса умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, таянч, вариатив ўқув режалари ва дастурларини ишлаб

чиқиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларни тажриба-синовдан ўтказиш кўзда тутилган. Фикри охишимизча, бу ўринда ҳам изчиллик бузилган, яъни аввал давлат таълим стандартлари яратилиши, кейин шу асосда дастур ва дарсликлар яратилиши методик жиҳатдан тўғрироқ ва мантиқлироқ бўларди. Қолаверса, 2017 йилда амалиётга татбиқ этилган давлат таълим стандартлари бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Фармон лойиҳасида яратилиши белгиланган тажриба-синов ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизими умумтаълим мактабларида амалдаги дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказишнинг ёки янгиликларини, деган саволга ўрин қолдирмайдиган тарзда баён этилган мақсадга мувофиқ. Шу ўринда яна бир мулоҳаза: сўнги пайтларда, айниқса, таълим-тарбия тизимида хориж тажрибасига таяниш, тўғридан-тўғри «кўчириш» урфга айланмоқда. Ваҳоланки, миллий таълим тизимимиз бутунлай яроқсиз эмас, соҳада эришган ютуқларимиз ҳам бисёр. Ҳамма гап улاردан тўғри ва ўринли фойдаланишда. Биз ҳавас қилаётган ва татбиқ этишга жидду жаҳд қилаётган хорижий тажрибаларнинг ҳаммаси ҳам миллий педагогикамизга тўғри келмаслиги, самара бермаслиги мумкин.

Мактаб директори фаолиятини 3 йиллик дастур асосида бажариши ва йил якуни бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ҳисобот бериши тартибини белгилаш, мактаб директорини тайинлаш, интизомий жазо бериш ва уни лавозимидан озод этиш ишларини кўриб чиқиш масалаларини маҳаллий Кенгашларга юқлаш орқали Халқ таълими вазирлиги зиммасидаги жавобгарлик ва масъулиятни соқит қилмоқчидек таассурот қолдиради.

Модомики, маҳаллий Кенгашларга ҳокимлар раҳбарлик қилар экан, мактаб ва педагог ходимлар яна текин дастёга айланиб қолмаслигига ким қаролат беради?

Фармон лойиҳасининг 1-иловаси бўлимиш «Ўзбекистон Республикасида таълим ва тарбия тизimini янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури» мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттирмаган, худди бошқа қарор ёки фармоннинг иловасидек таассурот қолдиради.

Жамиятда тарбиячи ва ўқитувчи мавқеини ошириш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан асраш, ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш йўналишида 6 та маънавий-маърифий кўрик-танлов ўтказиш белгиланган. Шўро тузумидан қолган тадбирбозлик ва бундай кўрик-танловлар орқали шунча йилдан буён бирор натижага эришмаганимиз ҳолда, бу йўналишда инновацион ечимларни тақлиф қила олмаётганимизни шу банд мисолида кўришимиз мумкин.

Аждодлар мероси ва «Янги Ўғониш даври»нинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда наشرга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш, амалда қўллаш чора-тадбирларини амалга ошириш, даврий босма нашрларни ва журналистларни қўллаб-қувватлаш масалалари тарбиячи ва ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга қай даражада алоқадор? Балки бу каби тадбирлар, тарғибот орқали қўзланган мақсадларга қисман эри-

шиш мумкиндир, лекин шунча гапнинг ўрнига аниқ тақлиф ва механизм берилгани маъқул эмасмиди?

Чора-тадбирлар дастурининг «Давлат тилини янада чуқурроқ ўрганиш ва кенг тарғиб этиш»га бағишланган 13-бандида «умумтаълим муассасаларида она тили ва адабиёт фанининг икки гуруҳга бўлиб ўқитилишини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритиш» белгиланган. Узоқ йиллардан буён кўтарилиб келинаётган, аммо ечимини топмаётган мазкур муаммо тақлиф киритиш билангина ечим топмаслиги аниқ. Мазкур йўналишда бажарилиши керак бўлган ишлар бўйича аниқ ечим ёки тақлиф лозим.

14-банддаги «она тили фанидан имло қоидаларини қайта кўриб чиқиш» вазифаси ҳам бевосита Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги доирасида ҳал қилинадиган иш эмас. Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосини имкон қадар тезроқ амалиётга жорий этиш вазифаси кун тартибидан турган бундай даврга имло қоидаларини мукамаллаштириш ва бу борада фандан имло қоидаларини кўриб чиқишнинг ўзи вазифа бўла олмайдди. Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосидаги айрим сўзлар, айниқса, ўзлашма сўзларнинг ёзилиши билан боғлиқ муаммолар ва истиснолар бор экан, имло қоидаларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш зарур.

18-бандда умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек, рус, инглиз (француз, немис ва бошқалар) тилларини чуқурлаштириб ўргатиш ва қўшимча битта тилини ўргатиш тизimini яратиш вазифа сифатида қўйилган. Беҳудий таъкидлаганидек, «икки эмас, тўрт тил лозим». Лекин бунинг умумий ўрта таълим гарданига юқлаш мактабда фанлар сони, ўқувчи юқламасининг ортисига сабаб бўлади. Қолаверса, таълим бошқа тилларда бериладиган мактабларда бу вазифани қандай уйдлаш мумкинлигини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак.

Фармон лойиҳаси иловасининг 19-бандидаги «Умумтаълим мактабларида «Тарбия» фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда маърифатпарвар аждодларимиз асарларидан фойдаланиш» тарзидаги банд нима учун киритилгани изохталаб. Ушбу фан бўйича концепция, дастур ва дарсликлар эндигина яратилди, нашрдан чиқди. Уларни яратишда муаллифлар маърифатпарвар аждодларимиз асарларига, улар қолдирган бой меросга таянмаганимиди?

Хуллас, фармон лойиҳаси бўйича мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар тақлифлари умумлаштирилиши ва шу асосда пишиқ-пuxта ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши зарур. Зеро, бу муҳим масала миллат келажагига дахлдоддир.



Шаҳноза ЭРГАШЕВА, филология фанлари номводи



Тошкент вилояти

Оғриқ тишлар...

«БОШГА ТУШГАНИНИ КЎЗ КЎРАР», ДЕЯ БЕКОРГА АЙТИШМАС ЭКАН. СЎНГИ ЙИЛЛАРДА «ТЕЗ ЁРДАМ» ХИЗМАТИГА ҲЕЧ ИШИМ ТУШМАГАНИ САБАБЛИ, МАХСУС АВТОМАШИНАНИНГ БЕМОРГА ҚУЛАЙ ЁКИ НОҚУЛАЙЛИГИНИ БИЛМАС ЭКАНМАН. ЯҚИНДА ТОБИМ ҚОЧИБ ҚОЛДИ-Ю...

## «Гўр азоби» қачон тугайди?

Мени замбилга солиб, «Дамас» русумли автомашинага амаллаб орттишди. Салоннинг ичи жуда тор (қолбуки, вазним оғир эмас). Замбилнинг ёнида беморни кузатиб боруви учун ўтиргич ҳам бор.

Автомашина жойдан кўзгаландан то манзилга етгунча танам силкиниб-силкиниб, «сакраб-сакраб» борди. Энг кизиги, мени юрак хуружи билан олиб кетишяпти... Яхшиямки, ташхис нотўғри қўйилган экан. Бўлмаса, касалхонага етгунча ҳолим не кечиши маълум эди (умримда биринчи марта «номи улғу, супраси қуруқ» врачлардан миннатдор бўлдим).

Автомашина ишлаб чиқарувчи компаниялар маҳсулоти «ёруғ дунёни» кўришидан аввал унинг қулайлик ва ноқулайликларини текшириб кўришади, албатта. Лекин...

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. «Дамас» русумли автомашинани «Тез ёрдам» хизмати учун фойдаланиш тақлифини ким тасдиқлаган? Хўп, тақлиф киритилди, дейлик. Тақлиф киритувчи ўзини бемор ўрнида кўриб, «Дамас» ичидаги замбилда ётиб кўриб, унинг қулай ёки ноқулайлигини аниқлаб, кейин тақлифини бермайдими? Хўш, тасдиқловчи қаерга қаради?!

Биринчидан, юрак хуружи, инсулт, инфаркт билан касалланган беморлар бундай автомашинада манзилга етиб бориши амри маҳол. Иккинчидан, оғир вазни бемор бундай автомашинага солинига ҳўрға сифади. Амаллаб сикқанда ҳам, ҳаво етишмаслигидан азоб чекиши аниқ. Ўта оғир вазни беморлар ҳақида гапирмай ҳам қўя қолай. Аслида, санаб

ўтилган дардга кўпроқ оғир ва ўта оғир вазнлилар дучор бўлишди-ку!

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қачон халқ учун ажратилган «Дамас» русумли автомашинасини салони кенгроқ, йўлда юмшоқ юрадиган автомашиналарга алмаштириш чорасини кўради? Ахир, соғлиқ инсон учун биринчи даражали масала эмасми?

Халқимиз йўл машаққатини гўр азобига қиёслаган. Шундай экан, «Тез ёрдам» машиналарининг ҳозирги ахволидан қонқиқ ҳосил қилиш мумкинмикан? Нима дедингиз?



Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА, «ISHONCH»

Хоразм вилояти

## Йўлсозлар меҳнати беқадр эмас

**Кейинги беш йил ичда хоразмлик йўлсозлар 2 162,5 километр узунликдаги йўллارда турли даражадаги таъмирлаш ишларини амалга оширган. Бу жараёнда Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси тасарруфидаги 17 та корхонада ишлаётган 1780 нафар ишчи-ходимнинг самарали меҳнати мўжассам.**

**А**ммо йўлсозларнинг меҳнат шариоти қандай? Уларнинг меҳнати ўз рағбатини топмокдами? Айни шу савол Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси касаба уюшма кўмитасининг доимий эътиборида.

Хусусан, нарх-навонинг кўтарилиб бориши иш ҳақларини ошириш заруратини пайдо қилади. Касаба уюшмалари иш берувчига бу борада ўз тақлифларини бериб келмокда. Сўнги беш йилда жамоа шартномасида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар ҳисобига ҳар бир ходимга 9 кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътил йўлга қўйилиб, бунга иш берувчи ҳисобидан 1328,4 миллион сўм сарфланди. Ташкилот тизимидаги ишчи-ҳодимларга 2874,1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари, ходимларни мукофотлаш, жамоат транспортида юриш оражатлари, касаллик варақаси, озик-овқат маҳсулотлари сотиб олиш ҳамда туман коэффициентини учун зарур маблағ ажратилди.

2020-2022 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга таянган ҳолда ходимлар учун кўпроқ имтиёзлар акс эттирилди.

Жамоа шартномаси шартларининг бажарилишини касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳар чорақда мониторинг қилиб,

Фаолият

белгиланган муддатларда бажарилмаётган бандлар бўйича иш берувчига киритилган тақлифлар асосида рўй бериши эҳтимоли юқори бўлган бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу кунларда иш берувчи олдида иш ўринларини меҳнат шариотлари бўйича шаҳодатдан ўтказиш масаласи қўйилган. Юқорида таъкидланганидек, ишчи-ҳодимларнинг аксарияти ноқулай шариотда меҳнат қилади. Бу эса уларга бўлган эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришни тақозо этади.

Бундан ташқари, касаба уюшма кўмитаси маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, зиёрат ва тиббиёт туризмини ташкил қилиш, ёшларни меҳнат қонунчилиги билан кенгроқ таништиришга қаратилган давра суҳбатлари уюштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмокда.

**Обтаб МАШАРИПОВ,**  
Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Комил инсонда тўрт нарса – яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат тўқис бўлиши керак, дейишади олимлар. Комил инсон мавзуси ва муаммосидан кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Айрим даврларда ахлоқ-одоб ҳақида китоб ёзмаган ижодкорлар олим ҳисобланмаган.

## Ўргатганига амал қилган олим

**Муслихиддин Муҳиддинов бутун умрини илм-фанга, ҳазрат Алишер Навоий ижодидаги инсонпарварлик ғояларини халққа етказишга ҳаракат қилган олим. У инсонийликни олимлик билан омухта қилган, ўқиган, уққанларини ўзида мужассамлантирган мутафаккир даражасидаги улўф инсондир.**



Меҳнат фаолияти давомида кўплаб масъулиятли вазифаларда ишлаган олим Алишер Навоийнинг инсонларга яхшилик қилиши – катта бахт ғоясига амал қилди. Талабаларга, ёшларга фақат эзулик, яхшилик абадий яшаши мумкинлигини Навоий ижодидан мисоллар келтириб, фикрларини асослаб келди.

Самарқанд – жаҳон илм-фани маркази бўлган. Кўплаб фанлар қаторида адабиётшунослик фани бўйича ҳам мактаб яратилган. Садриддин Айний, Воҳид Абдуллаев, Ботир Валихўжаевдек каби буюклар профессор Муслихиддин Муҳиддинов ҳам Самарқанд адабиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Олимнинг «Ўзбек классик адабиётида гуманизм» рисоласида (Тошкент «Ўзбекистон» нашриёти — 1988), ўзбек классик адабиётда инсонпарварлик мавзусининг ёритилиши масаласи қиёсий таҳлил қилинган. «Инсон ахлоқини такомиллаштириш, уни билимли, оқил, маънавий етук қиёфада кўриш гуманист адибларимизнинг азалий орсуси бўлиб келган», «Инсоннинг ўзлигини таниши ўз нафсини тийиши, бошқалар ғамини еб, билими, қобилиятини халқ манфаати йўлида сарфлаши билан ўлчанади», дея фикр билдиради олим.

Муслихиддин Муҳиддинов Хисрав Деҳлавий ва Алишер Навоийни «назм гулшанида икки ёғду» деб атайди. Олимнинг «Комил инсон – адабиёт идеали» монографияси унга катта шўҳрат келтирди. Унда ҳамсанавислик анъаналарига асос солган улўф мутафаккирлар Низомий Ганжавий, Амир Ҳисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларнинг «Хамса»ларининг илк дostonлари қиёсий ўрганилади. Бу

асарларда инсонпарварлик масаласининг қандай ёритилгани, ўхшаш томонлари, улўф шоирлар илгари сурган ғояларнинг ахлоқий, маънавий-маърифий жиҳатлари кўрсатиб берилган.

«Анбиёлар ва авлиёлар – комил инсон тасволи», «Инсон талқинида анъанавийлик ва ижодий ўзига хослик», «Инсон ва ижтимоий муҳит», «Ҳаёт ва инсон камолоти учун кураш» каби мақолаларида олим қадимдан долзарблигини йўқотмаган таълим-тарбия, инсон ва унинг хусусиятлари, ахлоқ масаласи улўф мутафаккирлар асарлари мисолида таҳлил ва тақриз қилинган.

«Фалсафанинг вазифаси инсонларни севишга ўргатишдир», деган гап бор. Севги, муҳаббат ўлмас мавзудир. Бу мавзуда қалам тебратмаган ижодкор йўқ. Олим Муслихиддин Муҳиддинов Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» асарининг «Ҳафт пайкар», «Ҳашт биҳишт» дostonларидидаги ибратли жиҳатларни жуда яхши таҳлил қилиб берган. Шу жиҳатдан олганда, М.Муҳиддиновнинг 2007 йил «Фан» нашриётида чоп этилган «Нури қалблар гулшани» монографиясининг ахамияти жуда катта.

Олимнинг мумтоз асарларни ўрганиб, таҳлил қилишида эски ўзбек тилини, форс, араб, тожик, турк тилларини мукамал билиши китоб ва рисолаларнинг юзга келишида жуда кўл келган.

«Навобахш ҳикматлар» китобида олимнинг Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ғарибий, Огаҳий, Сидқий Хондайлиқий ижоди ҳақида турли йилларда ёзган мақолалари жамланган.

Филология фанлари доктори, профессор Муслихиддин Муҳиддиновнинг

«Талқинларда оламча маъно» (1984), «Икки олам ёғдуси» (1991), «Барҳаёт анъаналар» (1987), «Ўзбек классик адабиётида гуманизм» (1988), «Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик» (1990), «Шарқ адабиётида адабий-танқидий қарашлар тарихидан», «Алишер Навоий ижодида маънавий пок инсон талқини», «Хамса»ларининг биринчи дostonларида комил инсон тасвири» (2001), «Ғафур Ғулومнинг поэтик маҳорати» (2003), «Комил инсон – адабиёт идеали» (2005), «Нури қалблар гулшани» (2007), «Навобахш ҳикматлар» (2014), «Халқ китоблари ва мумтоз адабиёт» (2015), «Хамса» дostonларида комил инсон тасвири» (инглиз тилида: Perfect human concepts in the first novels of the «Hamsa», ГФР, «Ламберт» нашриёти, 2020.), «Форс-тожик шоирлари ижодида комил инсон талқини» (2020), «Кўнгли ҳайрати» (2020) каби ўттизга яқин монография ва рисолалари нашр этилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз ва чет эллардаги нуфузли журналларда уч юзга яқин илмий мақолалари чоп қилинган.

Айни пайтда М.Муҳиддинов Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети хузуридаги номзодлик диссертацияси бўйича рақамли Иختисошлаган кенгаш раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Навобахш сўзлар кудрати орқали инсонларни яхшиликка, комилликка ўргатиб келаётган улўф навоийшуно олимнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Олим «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» (2016) унвони, «Эл-юрт хурмати» ордени (2020) билан тақдирланган.

Профессор Муслихиддин Муҳиддинов – нафақат олим, педагог, устоз, балки жамияттаги энг фаол инсонлардан бири.

Жонкуяр устоз 75 ёшга тўлди. Шу қўтлуғ ёшда ҳам компьютерда ишлашда унча-мунча ёшларни ортада қолдириб кетади. Матбуот ва Интернет орқали янгиликлардан хабардор бўлади. Мақола ва хабарларини Султонмурод акага ўхшаган дўстларига, шоғирдларига жўнатиб туради. Устознинг бу жиҳатлари ҳам ўрнак олишга арзигулик.

**Равшанбек МАҲМУДОВ,**  
Гулистон давлат университети профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

### Ибратли дунё

## Тандир ва бешик ҳикматлари

Қизилтепа туманида кекса ҳунарманд уста Олимхон бобони кўпчилик яхши билади. Унинг бошидан ўтказган хотиралари мунгли ва ҳикматли.

– Дунё дастурхонларини тўлдириб турадиган нонлардан энг лаззатлиси ўзбекларники, – дейди отахон. – Ҳўш, нега шундай? Чунки еримиз, сувимиз, кўнглимиз тоза. Аёллар, қизлар, келинлар нон ёймоқчи бўлса, аввал покляниб, кейин супра очади. Хамир қоришдан олдин ун обдан эланади. Бир элак ундан элакнинг бир остида бир пийлача кепак қолади. Бунинг учун элакчига раҳмат. Барака топир, элакни эринмай майдакўз қилиб тайёрлаган. Эланаётган

Тупуги супрага тушди. Онам бечора елкаларини силтаб-силтаб йиғлади. Сўнгра «Болаларимнинг ризқини ҳаром қилдинг, лаънати», деб фарёд чеқди. Отамни уч кун қамаб қўйиб, сўроқ қилишди. Шу орада онам билан икки-уч марта отамга овқат олиб бордик. Кейинги гал борганимизда чекистлар онам ёлган нонларнинг таъми жуда ёққани учун нон пишириб келтиришни сўрашди. Онам «Супрага тупурган ҳайвонга нон пиширамани?!», деб узоқ куйинди. Шундай бўлса-да, отамга нафи тегадган ўй билан ўнта нон ёпиб берди. Чекистлар бундан хурсанд бўлиб, отамдан ўзбек нонларининг нега бунча лаззатли бўлиши сирини сўрашган. Отам зарда билан «Бунинг хосияти сен тупурган супра билан элақда, кўр-

нимани англамади. Аксинча, Каримбой атторнинг аёлига дўқ-пўписа қилиб, роса сўқинди. Шу тариқа Каримбой атторни ҳам кишанлаб олиб кетишди. Шу кетишда у киши уйига қайтиб келмади. Аёли эса жинни бўлиб қолди. У чекистнинг бешикни тепганини унутолмади. «Номард, ўзбекнинг битта бешигидан ўнта боласининг ҳиди келади», дея куйиб-қуйиб ўлиб кетди, бечора... Телиб ағдарилган бешиқда ухлаб ётган қизи улғайгач, аввал Тошкент, кейин Украинада ўқиб, катта оlima бўлди. Ҳа, оналаримиз бешикнинг фариштаси бор, дейишади. Ахир, биргина бешиқда ўнлаб фарзандларини катта қилган.

Самарқанд университетиде таҳсил олганман. Талабалик пайтимда қатагон ҳақида илмий иш қилмоқчи бўлганимда, домларим қўнмади. «Тинч юр, қамалиб кетасан», дейишди. Бундан ҳафсалам пир бўлиб, ота касбимни давом эттирдим. Хунарим бор. Пичоқ, сопол буюмлар, эшик-ром, элак ва бешик ясайман. Худого шукур, касбимдан барака топдим.

Шўро сиёсатчилари инсонни гўдаклигидан қулликка ўргатади, деган чала фикр билан бешиқларимизнинг сирини, моҳиятини англамаган. Улар кўл-оёғи боғлиқ турган болани қўл бўлишдан бошқасига ярамайди, деб ўйлашган. Мана шундай хато дунёқараш бешиқларимизни шўро даври қиргинларидан асраб қолган. Агар улар бешик боланинг иродасини тоблашини, унда болалар тоза ва озода ухлашини билганида, эгнимиздаги тўн, бошимиздаги салла, сандиқларимиздаги нодир китобларга қўшиб бешиқларни ҳам ёқиб юборар эди. Шунисига ҳам шукур қиламан, элак, супра, пичоқ, бешик, тўн, қадриятларимиз, миллийлигимиз рамзи. Уларда халқимиз даҳоси, маданияти ва ўтмиши ўз аксини топган.

**Инсонда эрк, озодлик, хурлик, ватан бўлмаса, унинг ерда ётган хаскалик ҳам қадри бўлмайди. Истиклол миллий қадриятларимиз каби халқимизга сую билан ҳаводек зарур. Шукурки, ота-боболаримиз орзу қилган кунларга биз етдик. Оналар, ота-сингаларимизнинг қўлида элази, тахмониде супраси бор. Тандинларимизда кунга ширмой нонлар ёпишмоқда, бешиқларда болаларимиз тинч-осуда ухлашмоқда. Бунинг қадрига етиш керак.**



**Нормурод МУСОМОВ,**  
марҳум



ун буқа терисидан тайёрланган супранинг устига тушади. Супра уннинг чангини ҳам ўзига тортиб олади. Яхшилаб ошланган супрага чумоли, бурга, бит каби зараркунандалар яқинлашмайди. Бунинг учун супрани ҳам тоза ва озода жойда сақлаш лозим, албатта. Раҳматли онамнинг тешик-йиртиқлари ямаб-тикилган эски супраси бор эди. Отам янгина келтириб берса, уни дарҳол опамизга ёки синглимизга совға қилиб юборар эди.

Шўро тизими даврида отамга «вантанфуруш» деган тамга босилди. Уни қамоққа олиш учун ҳовлимизга ҳарбий қиймдаги икки нафар чекист келди. Онам ҳовлида хамир қориётган эди. Чекистлар аввалгига элакни, кейин супрани обдон кўздан кечиришди. Шунда бировининг кўзи супранинг орқа томонидаги буқа жунига кўзи тушиб, «Тфу, грязная баба!» деди онамизга қарата.

намак», деб жавоб берган экан. Кўп ўтмай, отамиз оқланди.

Хуллас, шўро даври кўп қатори қизилтепаларга ҳам кўп азоб берди. У пайтда мен тенгилар ёш-яланг бола эди. Кун пешинга оққанда қўшимиз Каримбой атторнинг уйига чекистлар келди. Уйни тинтув қилишди. Излаган нарсасини тополмади, шекилли, сал новчароғи ҳовлининг бурчағида турган бешикни бир телиб, тўнтариб ташлади. Бешиқда ухлаб ётган бола бигиллаб йиллади. Шунда онаси югуриб келиб, чекистнинг ёқасига ёпишди. «Сенинг ҳам болаларинг бордир, боламда нима аёл?» дея қон йиғлади. Қизалоғини бешиқдан ечиб олаётган пайтда чекист яқинроқ келиб, бўйини чўзиб қаради. Кейин ёнидаги ўзбеклардан бирини туртиб, «Нега бу аёл ўз боласининг кўлоғини боғлаб, устини ёпиб қўйибди, касалми?» дея сўради. Унга бешик нима эканини тушунтиришди. Барибир, у ҳеч



**– Тошпўлат ака, киши ёшлиқда кўп касбларга қизиқиши, аммо охири бошқа соҳани танлаши ҳам мумкин. Шу маънода, санъатга қизиқиш сизда қачон пайдо бўлган?**

– Японларда ажойиб бир одат бор: бола боғчага борганда, унинг олдига турли ўйинчоқларни қўйишаркан. Агар бола ручка-қаламни ушласа, унда ижодкорликка, машинага ёпишса, техника мутахассислигига иқтидор бор, деб ҳисоблашиб, уни гўдақликдан шу соҳага йўналтиришар экан. Шу ҳақда ўйласам, беихтиёр болалигим ёгда тушади. Ҳали мактабга ҳам чиқмаганман. Бир кун амалик мендан 7-8 ёш катта ўғилларига рубоб олиб келиб берди. Аммо акаларим рубобни мендан қизиқинишди. Улар мактабга кетганда, онаси (у кишини мома дердим) қизиқимини сезиб, рубобни қўлимга тутқазарди. Ўзимча рубобни тингиллатишга берилиб кетардим. Кўларим қонаб кетган пайтлар ҳам бўлган. Кейинчалик Аллоҳ мени шундай устозларга учраштираганки, ҳақиқий муслиқий тарбия олиш имконига эга бўлганман. Келажакда қайси касб эгаси бўлишим ўша пайтдаёқ аёнлашган.

**– Истеъдод қондан ўтади, дейишади. Аждодларингизда ҳам санъаткорлар бўлганми?**  
– Ўтган даврда бобом четар деган соз чалишга уста бўлган. Четар дўмбирадан ихчамроқ

## Яхшилик – умр безаги

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Матқаримов билан суҳбат

бўлади, ғўладан ясалади. Ҳожар энам эса элнинг улўф ўланчиси эди. Тоғаларим ҳам ўланчи, эртакчи бўлишган.

**– Санъатни танлашингизга ота-онанинг қандай муносабат билдирган?**

– Онам санъатни яхши кўргани боис, хонанда бўлишимни хоҳларди. Лекин отам менинг санъат йўлидан кетишимни хушламаган. У киши қишлоқ дўхтири – фельдшер эди. Балки ўз касбини давом эттиришимни истагандир.

Тошкентга ўқишга бормоқчи бўлганимда, отамдан рухсат олишим жуда қийин кечди. У пайтлар элнинг подаси навбатма-навбат боқиларди. Бизга навбат келганда, отам иккимиз яйловга чиқдик. Туш пайти чой ичиб ўтирганимизда яна ўқиш ҳақида гап очдим. Ўйлиниб турди-да, «Майли, ўқисанг, ўқий қол», деди. Шу билан ҳаёт йўлим санъат билан боғланиб кетди.

**– Марҳум шоир Муҳаммад Юсуф билан жуда яқин бўлган экансизлар...**

– Тўғри, Муҳаммад ака билан ака-укадек эдик. Илк танишганимизда (бундан ўттиз йиллар олдин) ҳатто бир-биримизнинг қайси соҳа вакили эканлигимизни ҳам билмаганмиз. Шунчаки инсон сифатида кўнглимиз яқин чиқиб қолган. Кейинчалик суҳбатлашиб, у кишининг шоирлиги-ю, менинг қўшиқчи эканлигимдан хабар топганмиз.

Муҳаммад ака кўпинча: «Сизнинг услубингизга мос шеър ёзиб беролмаяман», деб хижолат чекарди. Чунки кўнгли тоза инсон эмасми, ҳаммага яхшилик қилгиси келаверарди. Кейин ижодий ҳамкорликда «Оқ тулпор» номли қўшигим яратилди...

1998 йил «Туркистон» саройида концерт берганимда Муҳаммад Юсуф саҳнага чиқиб: «Менда санъат аҳлига озгина ҳурмат ўйгонган



бўлса, бу Тошпўлат туфайли», деганди. Муҳаммад ака мендан нима оқибат кўрган, билмайман, лекин бунинг асл сабаби санъаткор номига доғ туширмаганим, ўз касбимга нолойиқ иш қилмаганимда бўлса керак.

**– Яна қайси шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилгансиз?**

– Табиатни ҳис қилиб ёзадиган ижодкорларнинг шеърларини юрагимга яқин оламан. Масалан, Азим Сунон, Тўра Сулаймон, Усмон Азим, Барот Исроил ижодидеги бахшиёналик, халқоналик менга ёқади... Тўра Сулаймон билан яқин эдик. Бир суҳбатимизда у киши: «Мен қишлоқда яшаб, халқ шори бўлдим, сиз хизмат кўрсатган артист бўлдингиз, қаранг, ўхшашлигимиз қаерда?», дея лутф кўрсатган эди. Худо мени жуда кўп улўф инсонлар билан учраштиради. Бу – бахт, албатта.

**– Қурама фольклорининг таъсири қўшиқларингизда яққол сезилиб туради...**

– Мен туғилиб ўсган Қорабаллиқ қишлоғи Оҳангарон шаҳридан 25 километр узоқликда жойлашган. Қишлоқ қадимий тарихга эга. Бу ерда ўлан айтишувлари бўлиб келган, совринга буқалар қўйилган. Айтишувда ҳозиржавоблик, зукколик биринчи ўринда турган. Ўлан бошқа туркий халқларда ҳам бор. Ўзбекларда асосан қурама фольклори яққол кўзга ташланади.

Ҳозирда шу санъатни ривожлантириш йўлида иш олиб боряпман. «Қурама» ансамбли раҳбарлик қиламан. 2014 йили ташкил топган ансамблимизда 20 дан зиёд ёш истеъдодлар жамланган. «Қурама» сўзининг илдизи «қуроқ» сўзига бориб тақалади. Изоҳли луғатда ҳам шундай таъриф берилган. Шу-

### Учрашув

нинг учун фольклор ансамблимиз аъзолари учун кийим тайёрлашда қуроқ элементларидан фойдаланганимиз.

**– Санъатда ўз йўлингизни топшингиз қандай кечган?**

– Муסיқа билим юртида вокалда опера қўшиқчилиги бўйича ўқиган бўлсам, Маданият институтида хор дирижёрлиги бўлимида таҳсил олганман. Анъанавий ижрочиликни эса мустақил ўрганганман. Санъатга илк қадам қўйган пайтларимда таниқли ҳофиз Шерали Жўраевнинг қўшиқларини айтиб юрардим. Бошқа устозларнинг қўшиқларини ҳам ижро этардим. Кейинчалик тақлиддан қутилишимда, ўз услубимни топишимда халқона оҳанглар менга катта ёрдам берди. Мен Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли бастакор (марҳум) Анор Назаровдан беҳад миннатдорман. У киши шоир Барот Исроил билан бирга «Оҳангарон ўлани» (халқ уни «Айнамов» дейди) қўшиғини яратишимга ёрдам берди. Шундан сўн халқона оҳанглар ижодимнинг ажралмас қисмига айланди.

**– Ижтимоий ҳаётда қанчалик фаолсиз?**

– Яхшилик умрни безайди. Ҳозирда давлатимиз раҳбари бошчилигида халқнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида катта ишлар қилиняпти. Ҳеч ким бу эзгу ишдан ўзини четга олмаслиги керак.

Ўтган сайловда вилоят кенгаши депутатлигига сайландим. Бу менга катта масъулият юкляди. Ҳозирда чекка қишлоқларда яшовчи инсонларнинг дарду-ташвишларини ўрганиб, уларга ечим топишга ҳаракат қиламан. Гувоҳи бўляпманки, ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар жуда кўп. Эл-юрт равнақи учун бирор фойдам тегса, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис қилардим.



Сўхбатдош:  
**Комила БАЙМУРОДОВА**



**Ишдан қайтаётти, йўналишли таксига чиқдим. Бўш ўриндик йўқ, иккита йўловчи ўтирдиган жойга тиқилишга тўғри келди. Ёнимдаги икки аёлга бу ҳолат ёқмади чоғи, чимирилиб қўйишди. Лекин сал вақт ўтмай, ҳаммасини унутиб, гапга тушиб кетишди.**

— Фарзандлари туфайли икки қўшним сан-манга бориб қолди. Неча йиллар давомида ёнма-ён яшаган, де-вормиён инсонлар орасига бир кунда дарз кетди. Йигитнинг ота-онаси бу кўнгулбузарликни ўзимиз келишиб маромига етказамиз, қизингизни келин қиламиз, деб неча бор ёлворишди. Гув этиб маҳаллага тарқабган бу ишга оқсоқоллар ҳам аралашди. Бироқ ота-онаси дўқ-пўписаси билан қизнинг ички ишлар ходимларига берган даъво аризаси сабаб йигит озодликдан маҳрум этилди. Шундай қилиб, қўшнилари бир-бирлари билан юз кўрмас бўлишди. Орадан сал ўтмай иснодни кўтаролмаган қизнинг ёшига отаси вафот этди. Бу не кўргилки, кечагина йигитнинг отаси ҳам бандаликни бажо келтирди... Сизга айтиб берайману, қалбим тошиб кетпти...

Эшитганларим меннинг ҳам кўз ўнгимда жонланди. Иккита забардаст оила бошлиғисиз қолишига сабаб нима: фарзанд тарбияси ёки ота-

оналар кўнгулдаги кечира билмаслик ҳиссини? Наҳотки инсон қалбидаги гина-кудуратни ўчириб, бир-бирини тушуна билиши шунчалар қийин бўлса. Ахир ҳаммамиз бу ўткинчи дунёда омонатмиз, бир-биримизга ғаниматмиз-ку. Шу пайтда ён қўшим мархума Мелихона аянинг ҳаёт чоғида айтган бир гапи эсимга тушди: «Ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин, ён қўшни – жон қўшни. Чунки, у жон чиқар пайтда оғизга сув томизадиган, бу дунёни тарк этганда яқинлари етиб келгунча энгакни боғлайдиган, майитнинг тобутини тик туриб кўтариб, манзил-маконига олиб борадиган инсонлардир. Шундай экан, қўшнилари ўртасидан не гап ўтса ҳам, доимо кечирилиши шарт».

**САВОБНИНГ НАФИ**

Қадимдан халқимиз орасида кўни-қўшничилик муносабатларига муқаддас Ислому дини таълимолари асосий омил бўлган. Аллоҳ таоло

# Саодат калити

бандаларига қўшничилик ришталарини боғлаш ва мустақамлашни буюриб, Куръони каримда шундай марҳамат қилади: «Аллоҳ таолонинг наздида, дўстларнинг энг яхшиси дўстларига энг кўп яхшилиқ қилади-дигандир. Қўшниларнинг энг яхшиси қўшниларига энг кўп яхшилиқ қила-дигандир».

— Қўшнидан етадиган озорни кўтариш қўшничилик ҳақи ҳисобланади. Шариатимизда нафақат қўшни, балки икки биродар орадаги келишмовчилик, хафтарчилик ёки шунга ўхшаш ҳолатлар сабаб кек сақлаб, 3 кундан ортиқ гаплашмай юрса, бу катта гуноҳлардан бири эканлиги ҳақида айтилган. Бу борада Расулulloҳ (с.а.в.) «Мусулмон кишига ўз биродарларидан уч кундан ортиқ аразлаш – ҳалол эмас. Ким уч кундан ортиқ аразлашса ва шу вақтда вафот этса, дўзахга кирди» деб айтганлар, — дейди «Фирдавс» жомеъ масжидининг имом-хатиби Бахтиёр Сатторов. — Шу ўринда иккита уришиб қолган мусулмон орасини ислоҳ (яраштириб) қилиб қўйиш савоби ҳақида

риб келибди. Нима бўлганини сўрабдилар. У ким биландир ўрталарида ўтган гапдан харафлашиб, аразлашиб қолганини айтибди.

Шунда ибодатда ўтирган Абдуллоҳ ибн Аббос икки инсонни яраштириш мақсадида масжиддан чиқибдилар. Кетаётсалар, уларни эътикоф қилаётганларини билган одамлардан бири, бажараётган амалингиб эсингиздан чиқиб, кетяписизми депти. Йўғ-е, ундан-да савобли иш чиқиб қолди, мана бу биродаримни биров билан яраштириб қўйишим керак, ўшанга кетаётман, дебди. Бундан кўринадигани, эътикоф савобидан кечиб, икки одамни ислоҳ қилиб қўйиш кўпроқ наф келтирар экан.

**ҚАЛЬ ДАВОСИ**

Инсонда энг нозик нарса қалб ҳисобланади. Қалбни қанчалик тоза тутсак, уни атрофдаги ҳар хил ёмон нарсалардан авайлаб-асрасак, у шунчалик нурга, яхшилиқга тўлиб бораверади. Юқоридаги каби ноҳуш ҳолатларнинг қалбимизни азоблаётган оғриғи ёмон оқибатлар келтириб чиқариши бор гап.

— Бировга берган озорингиз биринчи навбатда ўзингизга салбий таъсир қилиши ҳақида бир ўйлаб кўринг. Сиз кўнгулни оғритган инсонга ҳар сафар кўзингиз тушганда, унга бўлган нафрат сабаб организм гормонлар ишлаб чиқаради. Бу гормонлар эса қалбингиздаги ноҳуш ҳиссиётлар — кўркүв, хавотир, нафрат, алам, қайғу

вақт ўтиши билан, авваломбор, сизни стресс ҳолатига тушириб қўяди. Бу эса қанд, юрак, невроз, ваҳима ва бошқа кўнгул ка-салликларни келтириб чиқариши мумкин, — дейди психолог Зе-бунисо Аҳмедова. — Озор берган инсонингизнинг унга бўлган нафратингиз сабаб ёнига бо-ришини, кўришини, у ч р а ш и ш н и, қўл бериб сўра-ешини истамай-сиз. Сизда давом этаётган бу каби салбий ҳислар мия фаолияти, қўл ва оёқдаги бўғимларга ёмон таъсир қилиб, ба-

**Инсонда энг нозик нарса қалб ҳисобланади. Қалбни қанчалик тоза тутсак, уни атрофдаги ҳар хил ёмон нарсалардан авайлаб-асрасак, у шунчалик нурга, яхшилиқга тўлиб бораверади. Юқоридаги каби ноҳуш ҳолатларнинг қалбимизни азоблаётган оғриғи ёмон оқибатлар келтириб чиқариши бор гап.**

данда тери тошмаларини келтириб чиқаради. Энг ачинарлиси, саратоннинг ривожланишига стресс ҳам сабаб бўлаётгани шифокорлар томонидан таъкидланмоқда.

Бундан кўринадигани, киши ўзгалар ва ўз қалбини асрашга одатланиши, жароҳат етказишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Стрессга тушмаслик, инсонларга нисбатан қалбда меҳр-муҳаббат ила муомала ҳосил қилиш, ҳатто, ҳеч қачон кечира олмайман, деб ўйлаган кишига нисбатан ҳам ижобий муносабатда бўлишни одат қилган борки, асло ютқазмайди. Шундагина онгдаги ноҳуш хаёллардан тозаланади, қалби покланади. Ширин турмуш қуриш бахтига муассар бўлади.



Раъно МАҲКАМОВА, «ISHONCH»




**ОФАТ – ЛОҚАЙДЛИК МАҲСУЛИ**  
Фақат ҳушёрлик унинг олдини олади

**Агар кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолатлар бундай офатлар ўзимизнинг бифарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзга келаётганига амин бўламиз.**

Демакки, ёнғин чикмаслигининг асосий омилли – огоҳликдир. Ёнғин хизмати ходимлари ўрни ўчиришдан кўра, офатнинг олдини олиш лозимлигини яхши англаган ҳолда тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратишади. Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо-саноат ва бошқа тармоқлар масканларида ёнғин хавфсизлигига амал қилиш бўйича тушунтириш олиб борилади. Жойларда газ ва электр манбаларидан ноқонуний фойдаланмаслик, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда ёритиш мосламаларини ишлатишнинг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилади. Ўйлашимизки, эҳтиёткор ва эътиборлироқ бўлишга одатланган хонадонларда ҳеч қачон ёнғин юз бермайди.

Эркин АБДУХОЛИҚОВ, Қирғай тумани ФВБ ходими



Буни ҳаёт дерлар...

## Аёлдан қўлингни торт!

**Аллоҳ аёл зиммасига оналик ва рафиқалик саодатини бахш этди. Бу иккиси уни юксакларга кўтарди. Жаннат оналар пойида деб ардоқланди. Аёл айнан шунинг учун ҳам буюк ва суюқдир.**

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида хўрланаётган, зулмга учраётган аёллар мавзуси кун тартибига чиқмоқда. Бири ўз аёлини уриб, видеога олса, бири ахлат едириб, ваҳшийлик қилади. Охир-оқибат аёллик номини, шаънини оёқости қилмоқчи бўлганлар лаянлатланмоқда. Аёллар эса ҳимояга олинмоқда. Зўравон эркекнинг шаъни, ори йўқлиги кундай равшан. Лекин кимлардир аёлнинг ўзида ҳам айб бордирки, эрнинг шунчалик қуюшқондан чиқшига сабаб бўлгандир, дейиши мумкин. Динимизда аёлнинг юзига уришдан ҳам қайтарилган. Жуда гапга кирмайдиган, қайсар аёлнигина жазолаш учун ўрни бўлак қилинган.

Эр аёлга қўл кўтарар экан, ўз ориятини, номусини ерга ураётган бўлади. Чунки асл эркекнинг иши пасткашлик эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кунда руҳий ва жисмоний зўравонликка учраган аёллар учун реабилитация марказлари очилган. Лекин аёл аёл-да, мени эрим урди, деб бундай марказларга бор-

майти. Отауйга қайтишга яқинларидан уялади, фарзандлари учун ҳаммасига чидаб юради. Яширмайман, баъзан аёллардан ҳам ўтиб туради. Замонавий кийингиси, машина бошқаргиси ва бошқа истақлари устун келиб, оилабат аёллик номини, шаънини оёқости қилмоқчи бўлганлар лаянлатланмоқда. Бундай ҳолда ҳурматли эркекларимиз оғирроқ бўлмоқлари талаб этилади. Хиёнатдан бошқа барча хатоларни бартараф этиш мумкин. Ҳаммаси ақл ва салоҳиятга боғлиқ.

Кўпчилик аёллар ўз ҳуқуқини билмайди. Ваҳоланки, маҳалла ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилинган. Жуда гапга кирмайдиган, қайсар аёлнигина жазолаш учун ўрни бўлак қилинган.

Эр аёлга қўл кўтарар экан, ўз ориятини, номусини ерга ураётган бўлади. Чунки асл эркекнинг иши пасткашлик эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кунда руҳий ва жисмоний зўравонликка учраган аёллар учун реабилитация марказлари очилган. Лекин аёл аёл-да, мени эрим урди, деб бундай марказларга бор-

Нилуфар ЮСУФБЕКОВА, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ФХДБ бўлими мудираси

## «BEST AUTO AUCTION» МЧЖ

**Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизматининг 2020 йил 16 октябрдаги 355-сонли буйруғига, Давлат фельдъегерлик хизмати Самарқанд вилоят бўлимининг 2020 йил 4 ноябрдаги 20/01-48-сонли буюртма хатига асосан Давлат фельдъегерлик хизмати Самарқанд вилоят бўлимига қарашли, Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони 1-Г-уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 380 КАА, техник носоз ҳолатдаги «ДА-МАС» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 11 814 000 сўм.

**Аукцион савдосига 2020 йил 9 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** 2020 йил 9 декабрь куни соат 18:00. Ушбу мулк 2020 йил 9 декабрь куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 2020 йил 24 декабрь ва 2021 йил 8 январь** кунлари соат 11:00да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи

билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, закатат пулини «BEST AUTO AUCTION» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: Самарқанд минтақавий филиали АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой филиали, х/р: 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257) тўлашлари шарт. **Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони, 1-уй, 206-хона. Тел.: (+99899) 212-60-01. **Электрон почта манзили:** best.samarqand@inbox.uz

Гувоҳнома №547246.

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Риштон пахта тозалаш» АЖнинг 04.11.2020 йил кунги №15/86-сонли буюртма хатларига асосан Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний номидаги МФЙ, Адолат кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1,23 га, (0029 (0073) литерда қуришти тозалаш цехи, 0033, 0034 (0078, 0079) литерларда чанг ушлаш бинолари, 0035(0080) литерда маиший бино, 0033 (0081) литерда қозонхона биноси, 0048 (0091) литерда ҳожатхонадан иборат) «Бешбола» пахта қабул қилиш маскани бино ва иншоотлари бир қисми қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 210 500 000 сўм.** **Аукцион савдосига 2020 йилнинг 7 декабрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.** Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** 2020 йил 4 декабрь соат 16:00. **Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:** — **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — **жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закатат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси. Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисобрақамига закатат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: х/р: 2020 8000 5004 3360 1001. МФО: 00445. «Капиталбанк» АТ Тошкент шаҳри филиали, СТИР: 303179580. ОКОНХ:84300. **Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темури кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Телефон:** (99895)402-54-75. [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz). [best.fergana@mail.ru](mailto:best.fergana@mail.ru). **Лицензия RR-0225.**

**Эълонлар**  
Янгийўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, А.Ортиқов ҚФЙ, «Дўстлик» МФЙ, Амир Темури кўчасидаги рақамсиз ўчи учун Қариев Сабиржон Салихович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани маълум қилинади. \*\*\* Янгийўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, «Низобош» ҚФЙ, Т.Азимий кўчаси, 7-уй учун Мирзакаримов Турсунмаҳамат (марҳум) номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани маълум қилинади.

Табрик



## КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча тиббиёт  
ходимлари — саломатлигимиз посбонларини  
касб байрами билан табриклайди!

Халқимиз сизнинг тимсолингизда  
халқ саломатлиги йўлида  
ҳаловатидан кечиб, кунни тунга улаб,  
фидокорона меҳнат қилаётган  
шарафли касб эгаларини кўради.

**КАДРЛИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!**  
СИЗЛАРНИ ҚУТЛУФ КАСБ БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН ЯНА  
БИР БОР САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТИБ, БАРЧАНГИЗГА  
СИХАТ-САЛОМАТЛИК, УЛКАН ЗАФАРЛАР, ОИЛАВИЙ  
БАХТ-САОДАТ, ХОНАДОНЛАРИНГИЗГА ФАЙЗ-У  
БАРАКА ЁР БЎЛИШINI ТИЛАЙМИЗ!



**Абдулла ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон халқ шоири

### Шифокор

Шифокор бўлишни хоҳладинг яқкаш,  
Бошқа касб-у кордан тамом  
кечгансан.  
«Худо урсин» деган каломга ўхшаши,  
Гиппократ номига қасам ичгансан.

Араб шайхими у, подачими ё,  
Сенинг қабулингда оддий бир бемор.  
Қонун қуёлаб юрган ўғрини ҳатто,  
Даволашинг шартдир, чунки  
ваъданг бор.

Сени шогирдидек яратгандир Раб,  
Ҳаётинг инсонга бахшида буткул.  
Азиз одам учун турсанг ҳам йиғлаб,  
Ёвуз бемордан ҳам узолмайсан қўл.

Ҳар қандай мушкулнинг  
топилар кори,  
Ҳаво бор беморинг ётган хонада.  
Фақат меҳр деган ноёб бир дори,  
Учрамас ҳеч қандай дорихонада.

Дейман, бари сенда эрур мужассам,  
Халатинг сингари хизматинг  
ҳам соф.  
Гиппократга қанча ичмагин қасам,  
Қалбингдан кетмасин Шафқат  
ва Инсоф.

**Ҳикмат**  
«Табобат барча илм-у санъатлар ичида  
энг буюк илм ва санъатдир».  
Гиппократ

Табрик

## Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси

юртимиздаги барча тиббиёт  
соҳаси вакилларини  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
билан қутлайди!  
Бугунги синовли онларда  
амалга ошираётган  
ишларингиз ҳақиқий  
жасорат намунаси.



*Кадрли шифокорлар!  
Сиз, ақилларнинг қилаётган  
меҳнатининг, эл соғлиги  
йўлидаги заҳматининг, ҳар қанча  
вазиротга муносиб.  
Ҳамиша ёрдам бўлинг!  
Қаддингиз тик, кўлингиз дард  
кўрмасин!*

**Муҳиддин ОМОН**  
**ЧИН ҚАҲРАМОНЛАР!**

Бу ҳаёт ҳамиша имтиҳон, синов,  
Гоҳ қуёш чарақлар, гоҳи дўл, қиров.  
Ногоҳ ғусса келса, ногоҳ босса ёв,  
Ҳамиша топилмай марди майдонлар,  
Элга жони фидо, чин қаҳрамонлар!

Ёқий душман доим тиғ билан келмас,  
Очқ уруш билан, туғ билан келмас,  
Баъзан бало, офат жонга қилар қасд.  
Шундай чоғ кўксини қилиб қалқонлар,  
Майдонга чиқади чин қаҳрамонлар!

Азал шундай бўлган, шундайдир ҳамон,  
Эзгулик йўлида фидо айлаб жон,  
Ҳар бири аскардир, Ватанга посбон,  
Омон бўлсин, улар – марди майдонлар,  
Эл дардига дармон, чин меҳрибонлар!

Сарҳадлардан қувиб ўлат вабони,  
Мингта дардга топиб минг бир давони,  
Рухни шод этгайлар Ибн Синони,  
Табаррук инсонлар, чин фидокорлар,  
Сизга таҳсин, олқиси, эй шифокорлар!

Ким ҳаким дегайдир, ким атар табиб,  
Барчангиз эл аро суюкли, ҳабиб,  
Тунни тонга улаб, бедор ўтқариб,  
Баҳи этган беморга малҳами жонлар,  
Омон бўлинг, азиз, шафиқ инсонлар!

Ҳалол ризқ тутгайдир касби-корингиз,  
Элнинг бахти асли Сизнинг борингиз,  
Оламни қутқармоқ – чин ширингиз,  
Табаррук инсонлар, чин фидокорлар,  
Сизга таҳсин, олқиси, эй шифокорлар!

Биламиз, аёнқил жаннинг поёни,  
Мардлар халос қилгай дардманд дунёни,  
Зиёдан ёришгай юртнинг осмони,  
Шубҳасиз бу жангда ғолиб шунқорлар  
Саффининг сарбони – Сиз шифокорлар!

Эл аро тинчликдир эзгу ғоямиз,  
Шавкатли шу Ватан таянч қоямиз,  
Сиз билан мустаҳкам бор ҳимоямиз,  
Табаррук инсонлар, чин фидокорлар,  
Сизга таҳсин, олқиси, эй шифокорлар!



Табрик

## Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти жамоаси

саломатлик посбонлари бўлмиш ҳамишра ва шифокорларни  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
билан самимий муборакбод этади.

Пўлат МЎМИН

### ЖОНГА ЖОН ШИФОКОРЛАР

Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар,  
Мақсади саломатлик, меҳрибон шифокорлар.

Инсоннинг ҳаётига чанг солса агар бир хавф,  
Илмини қурол қилган посбон шифокорлар.

Чин дилдан юракларга бергайсиз даво – малҳам.  
Меҳрингиз қуёш гўё, жонажон шифокорлар.

Бу чаманда – юртимда одамлар очилган гул,  
Гулларга қараб юрган сиз боғбон шифокорлар...

Илмингиз қуёшидан қалбларга югургай нур,  
Халқучун бўлинг сиз ҳам соғ-омон, шифокорлар.

БУГУНГИ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА СИНОВЛИ  
ВА МАШАҚҚАТЛИ КУНЛАРНИ БОШДАН  
КЕЧИРАЁТГАН ХАЛҚИМИЗ ЖОНИГА ОРО КИРИБ,  
БЕМОРЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИШ ИСТАГИДА БОР  
КУЧ-ҒАЙРАТИ, БИЛИМ ВА МАЛАКАСИНИ ИШГА  
СОЛАЁТГАН СИЗ, АЗИЗЛАРИНГИЗ  
ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИНГИЗ ТАҲСИНГА САЗОВОР.  
БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА АМАЛГА  
ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИНГИЗГА РИВОЖ,  
ОИЛАНГИЗГА ТИНЧЛИК, САЛОМАТЛИҚ,  
ДАСТУРХОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА ТИЛАЙМИЗ.



Табрик

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



*Бир неча ойдан бери юртимизда давом этаятган пандемия шароитида халқимиз саломатлиги йўлида жонбеозлик кўрсатаётган соға фидойиларини касб байрами –*  
**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ**  
*билан самимий табриклайди!*

**ШИЖОАТИ БАЛАНД СИЗ, АЗИЗЛАРГА МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ ФАОЛИЯТИНГИЗДА  
УЛКАН ЗАФАРЛАР, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ОИЛАВИЙ БАХТ-САОДАТ ТИЛАЙДИ.  
ҲАММАМИЗНИ ТУРЛИ БАЛО-ҚАЗОЛАРДАН ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ АСРАСИН,  
БЕМОРЛАРНИНГ ДАРДИГА ШИФО БЕРСИН!**



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ЖАМОАСИ

**ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ТИББИЁТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИНИ  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ БИЛАН  
ЧИН ЮРАҚДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

**Хуршид КАРИМ**

**БУГУН ДУНЁ СИЗДАН  
ИЗЛАЙДИ НАЖОТ**

Энг аввал эзгулик тилагингизда,  
Гуллар унаверар йўлагингизда,  
Матонат, сабот бор юрагингизда,  
Эй, азиз шифокор, азиз шифокор.

Таъналар ёғилди гоҳ бошингизга,  
Дарёлар чўқдилар кўз ёшингизга,  
Бугун дунёлар лол бардошингизга,  
Эй, азиз шифокор, азиз шифокор.

Маломат нима у, ғурбат нима у,  
Чарчоқ нима экан, хилват нима у,  
Инсон ҳаётиндан қиммат нима у,  
Эй, азиз шифокор, азиз шифокор.


Гоҳо тўй, гоҳида аза бу ҳаёт,  
Ким фарёд айлағай, кимлар эса шод,  
Бугун дунё сиздан излайди нажот,  
Эй, азиз шифокор, азиз шифокор.

Ибн Синоларга бешик бўлган эл,  
Тамаддун, равнақа эшик бўлган эл,  
Аллоҳ ёрлақан хуш кўнгли, хуш феъл,  
Эй, азиз шифокор, азиз шифокор.

*Аҳоли саломатлиги йўлида жон кўйдириб, туну  
кун меҳнат қилиши, ўз устида тинимсиз излаши  
баробарида фидойи каобиниڭ заҳматли ва  
шарафли йўлида шаҳдам қадам ташлаб,  
халқ дардига дармон излашдан асло җаргаманг.*

**Муҳтарам тиббиёт ходимлари!**

**Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, улкан муваффақиятлар,  
оилавий тотувлик, бахту саодат ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!**



Тафаккур гулшани



**АБУ АЛИ  
ИБН СИНО  
ҲИҚМАТЛАРИ**

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарarli ва нафратли нарса ҳирс ва ғазабдир.  
\*\*\*

Ёрдам беришнинг гўзаллиги нундан кишининг тасалли топишида кўрилади.  
\*\*\*

Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.  
\*\*\*

Бир киши сен билан муносабатда хато қилса-ю, сенга уэр баён этса, узрини қабул қилишни кечиктирма!  
\*\*\*

Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.  
\*\*\*

Қуруқ гапнинг ўзи ҳеч қачон далил бўлмайди.  
\*\*\*

Сўзнинг ёмони амал қилинмай, бекор кетганидир.  
\*\*\*

Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадагга ўхшайди.  
\*\*\*

Шодон ва қайғули пайтларда дилини кудуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қолган киши чин дўст ҳисобланади.  
\*\*\*

Ғазаб иродаси кучли одамга рўпара келолмаганидек, иродаси кучсиз одамга ҳам рўпара келолмайди.  
\*\*\*

Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда, касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади.  
\*\*\*

Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.  
\*\*\*

Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт.  
\*\*\*

Бадантарбияни тарк этган одам аксари хароб бўлади, зеро, ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг куввати заифлашади.  
\*\*\*

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.  
\*\*\*

Ҳақимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиф.  
\*\*\*

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва  
«Ishonch-Доверие»  
газеталари таҳрир хайъати:

**Қудратилла РАФИҚОВ**  
(таҳрир хайъати раиси),  
**Улугбек ЖАЛМЕНОВ,**  
**Анвар АБДУМУХТОРОВ,**  
**Сайфулло АҲМЕДОВ,**  
**Акмал САИДОВ,**  
**Равшан БЕДИЛОВ,**  
**Қутлимурот СОБИРОВ,**  
**Суҳроб РАФИҚОВ,**  
**Шоқосим ШОИСЛОМОВ,**  
**Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,**  
**Ноҳира КАРИМОВА,**  
**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

**Темур МАМАЖОНОВ,**  
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

**Меҳридин ШУКУРОВ,**  
(Масъул котиб – «Ishonch»),

**Валентина МАРЦЕНЯК**  
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
**Ҳусан ЭРМАТОВ**

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари хайъти –  
(71) 256-64-69  
Хуқуқ ва халқаро хайъти –  
(71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт –  
(71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш –  
(71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна –  
(71) 256-87-73

**www.ishonch.uz**  
сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг  
фармон ва қарорлари, энг сўнгги  
янгиликлар, таҳлилий,  
танқидий мақолалар,  
хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишингиз мумкин.

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуқтаси назардан фарқланishi мумкин.

**Навбатчи муҳаррирлар:**  
Ж. Наҳанов,  
С. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳих:**  
Д. Орипов

**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:15**  
Топширилди – **03:00**

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Буюртма Г – **1117**.  
**27774** нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6  
**Баҳоси келишилган нарҳда**

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-ўй.  
E-mail: [ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Ishonch» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Тўрон кўчаси, 41-ўй.

**Таҳрирнинг ҳисобрақами:**  
2021.0000.0004.3052.7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

**Фарғона вилояти**

Президентимизнинг ташаббуси билан 2018 йилда Марғилон шаҳрининг қоқ марказида янги маънавият ўчоғи барпо этилди. Майдони қарийб 17 гектардан иборат боғ марказида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳайкали ўрнатилди. Бундан ташқари, Эркин Воҳидов номидаги ме-

## ИЖОД БОҒИДАГИ ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

мориал музей, истеъодли ёшлар мактаб-интернати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 1500 ўринли амфитеатр, Нурунийлар маскани ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Панноларда Эркин Воҳидов ҳамда халқимиз суйган кўплаб ёзувчи ва шоирлар ижодидан мисралар келтирилган. Боғ узра шеърини тўпламлардан аудио парчаларнинг жаранглаб тургани кишига ўзгача қафият улашади. Боғ худудида Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъодли ёшлар мактаб-интернати ташкил этилиши ёш ижодкорлар учун ҳақиқий тўхта бўлди. Келгусида бу зиё маскани буюк ижодкорларнинг етишиб чиқишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Ушбу даргоҳда ёшларга ижодий муҳит яратилгани билан бир қаторда бошқа фан-

ларни ҳам чуқур ўргатиш йўлга қўйилган. Дарс жараёнлари онлайн режимда ўтилади. Олис худудлардан келган ёш шоирлар учун ётоқхона ҳам мавжуд. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, боғда Эркин Воҳидовнинг «Gaz-24» русумли шахсий автомобили ҳам жой олган. Маълумот ўрнида айтиш керакки, севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ўтган асрнинг 70-йилларида миллий адабиётимизнинг энг оммабоп асарига айланган «Муҳаббатнома» номли шеърини тўплами бир неча бор қайта нашр этилган ва китобхоналар орасида кўлма-кўл бўлиб мутолаа қилинган. Ушбу китоб учун берилган қалам ҳақи эвазига шоиримиз «Gaz-24» русумли автоуловни харид қилган. Мазкур автомобиль узоқни яқин, оғирини енгил қилиш баробарида, қанчадан-қанча буюк асарлар, таржималар яратилганига «тирик гувоҳ» бўлган. Президентимиз бу маскан ҳақиқий маънавият

ўчоғи бўлиши кераклигини, бу ерга ўқувчи ва ёш ижодкорларни кўпроқ олиб келиш зарурлигини, вилоятда ҳар йили икки мартаба Эркин Воҳидов ўқув кунларини ўтказиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Айни пайтда боғ ижодкор ёшларнинг севимли масканига айланган. Бу сўлим гўшанинг бетакрор манзараси ва гўзаллигидан кўнгли равшан тортади. Исталган пайтда боғ ўртасидаги «Халқ кутубхонаси»дан китоб олиб мутолаа қилиш мумкин. Қисқа вақт ичида ушбу боғ ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айланди.

**Жамшид ЭРҒАШЕВ,**  
«ISHONCH»